



Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддаси.*

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Хабар

33

(778)-son

17-avgust

www.xabar.uz

xabar@uzpak.uz

orif@infonet.uz

2007

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan



Ушбу сонда:

**ЖАҲОН  
АХБОРОТ  
МАЙДОНИ САРИ**

3-БЕТ

**U-CONNECT  
2007**

4-БЕТ

**ПОИСКОВАЯ  
СИСТЕМА ИЩЕТ  
ЛЮДЕЙ**

6-БЕТ

**ИСТИҚЛОЛИМ,  
ИСТИҚБОЛИМ!**

13-БЕТ

**ДУНЁ НИГОҲИ  
САМАРҚАНДДА**

16-БЕТ

## ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТИ МАРКАЗИ



Республикамизда 14-15 август кунлари "Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

2-БЕТ



**UzNet**

Internet Service Provider

— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернети

## JUMADAN — JUMAGACHA

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 август кuni Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Қирғизистон Республикаси пойтахти Бишкек шаҳрига ташриф буюрди.**  
Шу кuni **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтао ўртасида учрашув бўлиб ўтди.**

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10 август кuni Оқсаройда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейнини қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари **Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорликни йилдан-йилга ривожланиб бораётганини**, бунда 1996 йилдан буён мамлакатимизда фаолият юритиб келаётган Майкл Барри Лейнинг ҳам салмоқли хиссаси борлигини таъкидлади.

Президент Ислам Каримов **Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги улкан хизматлари учун Майкл Барри Лейнга Ватанимизнинг "Дўстлик" орденини топширди.**

М.Барри Лейн юксак эътибор, **Ўзбекистонда ишлаган вақтида кўрсатган ёрдами, мунтазам қўллаб-қувватлаб келгани** учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдирди.

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 13 август кuni Оқсаройда Ислам конференцияси ташкилоти Бош котиби Акмалуддин Эҳсон ўғлини қабул қилди.**

Мамлакатимиз раҳбари **меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, уни нафақат нуфузли халқаро ташкилот раҳбари, балки ислом дунёсининг бирдамлигини мустаҳкамлаш ва уни тараққий эттиришга улкан хисса қўшиб келаётган ётуқ сиёсатчи сифатида ҳам билишини таъкидлади.**

Акмалуддин Эҳсон ўғли **ISESCO Тошкентни ислом маданияти пойтахти деб эълон қилар экан, Ўзбекистон раҳбарининг миллий мерос ва маданий қадриятлар ҳамда ислом цивилизацияси ёдгорликларини асраб-авайлашга қаратилган оқилона сиёсатини, Мовароуннахрда етишиб чиққан алломаларнинг беқиёс хизматларини, Марказий Осиёнинг энг йирик ва энг қадим шаҳарларидан бўлмиш Тошкентнинг жаҳон тарихида тутган ўрнини ҳисобга олганини таъкидлади.**

Сухбат чоғида **Ўзбекистон Республикаси билан Ислам конференцияси ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.**

✓ **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Сенат Кенгаши **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисини шу йил 24 август кuni Тошкент шаҳрида қақриш тўғрисида қарор қабул қилди.**

✓ **Наманганда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Кардиология ва кардиохирургиянинг долзарб муаммолари" мавзусида республика семинари ўтказилди.**

Анжуманда **Россиянинг Новосибирск вилояти клиник кардиология диспансерининг И.Бравел, И.Балабанов бошчилигидаги бир гуруҳ профессор ва шифокорлари ҳам иштирок этдилар.**

# Ислам тараққиёти маркази

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов конференция кунлари Оқсаройда "Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган хиссаси" мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларидан бир гуруҳи билан учрашди.

Учрашув қатнашчилари ислом маданияти ва фанини ривожлантиришда мамлакатимиз муҳим ўрин тутишини, ўзбек халқи ўз даҳларининг хизматлари билан ислом цивилизациясини ривожлантириш орқали бугун дунё цивилизацияси рағнақига ҳам улкан хисса қўшганини таъкидладилар. Халқаро анжуман юксак савияда ташкил этилганини қайд этдилар.

ЮНЕСКО Бош конференцияси раиси Мусо бин Жаъфар Ҳасан Президентимизга ЮНЕСКОнинг "Аристотел" ва "Буюк Ипак йўли" олтин медалларини топширди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари Араб давлатлари лигаси Бош котиби Амр Мусо ҳамда ЮНЕСКО Бош конференцияси раиси Мусо бин Жаъфар Ҳасанни қабул қилди. Учрашувларда ҳар иккала нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорлик истиқболларига оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислам маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан ташкил этилган ушбу нуфузли анжуманда 30дан ортиқ давлатдан келган меҳмонлар иштирок эттишти. Улар орасида Ислам конференцияси ташкилоти, Араб давлатлари лигаси ҳамда ЮНЕСКО вакиллари, шунингдек, 100 нафардан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, таниқли диний уламолар бор.

Ислам конференцияси ташкилоти Бош котиби Акмалуддин Эҳсон ўғли, Араб давлатлари лигаси Бош котиби Амр Мусо, ЮНЕСКО Бош конференцияси раиси Мусо бин Жаъфар Ҳасан, Ислам маданияти ва санъати тадқиқотлари маркази (IRCI) директори Халил Эрен, Ал-Азхар университети ректори Аҳмад Таййиб ва британиялик олима Ширин Акинерларнинг иштироки анжуман нуфузини янада оширди.

Илмий-амалий анжуман мамлакатимиз Президентининг конференция иштирокчиларига табриги билан очилди. Уни **Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов ўқиб эшиттирди.**

Тадбирнинг бир қатор мартабали меҳмонлари ҳам ўзларининг кутлов сўзларини избор этишди. Уларда, асосан, **Ўзбекистоннинг**



ислом цивилизациясига, умуман, дунё фани ва маданияти тараққиётига улкан хисса қўшгани таъкидланди. Мамлакатимизнинг бундай шарафли ишлари бугунги кунда ҳам давом этаётгани, хусусан, ушбу конференция бугун муслмон оламида катта воқеа экани эътироф этилди.

Биринчи ялпи йиғилишда Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази директори З.Мунавваров «Ўзбекистон — ислом цивилизациясининг муҳим маркази» мавзусида маъруза қилди. Анжуман доирасида Ислам маданияти пойтахтининг рамзий қалити Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаевга тантанали равишда топширилди. Конференциянинг очирилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Абдуҳалимов иштирок этди.

Куннинг иккинчи ярмида анжуман қатнашчилари Ҳазрати Имом мажмуасини зиёрат қилдилар. Улар Президентимизнинг шу йил 20 февралдаги "Ҳазрати Имом (Хастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ бу ерда амалга оширилган таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари Ўзбекистонда аждодлар меросини эъзозлаш борасидаги эзгу ишларнинг яна бир намунаси эканлигини таъкидлашди.

Конференция олти шўъбага бўлинган ҳолда ишини давом эттирди. Уларда "Ўзбекистон ҳудудида ислом цивилизациясининг шаклланиши ва ривожланиши", "Ислам таълимоти ривожини Марказий Осиё мутафаккирларининг роли" ҳамда "Муслмон меъморчилиги ва санъати тараққиёти" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Анжуманнинг иккинчи иш кuni Самарқанддаги Улғубек мадрасасида давом этди. Унда Қирғизистон муслмонлари идораси раиси, муфтий М.Жуманов, Украина муслмонлари идораси раиси, муфтий А.Тамим, Россия муслмонлари идораси раиси биринчи ўринбосари, Россия муфтийлар кенгаши девонни раҳбари Харис Саубьянов, Халқаро ислом университети қошидаги Давлат академияси ректори Абдулжабар Шокир, Қозғистон муслмонлари идораси раиси, муфтий А.Дербесали, Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хўзуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси вазифасини бажарувчи О.Юсупов ва бошқалар сўзга чиқди. Самарқанд давлат университети ректори Т.Шириновнинг "Самарқанднинг Ислам цивилизациясидаги ўрни" мавзусидаги маърузаси тингланди. Шунингдек, тарихий ёдгорликлар бўйлаб саёхат уюштирилди.

## Почта хавфсизлигига бағишланди

**«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти томонидан Наманган филиалида «Почта хавфсизлигини таъминлаш, янада мустаҳкамлаш чоратadbirlари» мавзусида икки кунлик республика семинари ўтказилди.**

Унда жамият почта хавфсизлиги хизмати раҳбар ва ходимлари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Давлат алоқа инспекцияси ҳамда Наманган вилоятидаги ҳуқуқ-тартибот органлари, фавқулодда вазиятлар вилоят бошқармаси ва санитария-эпидемиология станциясидан вакиллар иштирок эттишти.

Тадбирни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари А.Ҳўжаев кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Наманган

вилояти ҳокими ўринбосари И.Ботиров, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ бош директорининг ўринбосари Ю.Муҳчи ва Наманган филиали директори З.Воҳидовлар сўзга чиқиди.

Тадбирда мавзуга доир ўндан зиёд маърузалар ўқилди. Маърузаларда почта хавфсизлиги масаласида республикамизда амалга оширилаётган ишлар, бу борада орттирилган тажрибалар, ютуқ ва камчиликлар, келгусида қилиниши лозим бўлган вазифалар, тадбирда алмашишлар хусусида сўз юритилди. Наманган фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари томонидан бахтсиз ҳодисаларни бартараф этиш юзасидан амалий тажриба ўтказилди.


Семинар иштирокчилари Янгйўқорча ва Косонсой почта алоқаси тармоқларининг почта хавфсизлиги бўйича тажрибалари билан танишдилар.

Иззат АҲМЕДОВ

AKTni RIVOJLANTIRISH JAMG'ARMASI 10 YIL ICHIDA

**Кеча замонавий ҳисобланган техника ёки технология бугун эскириб, ўрнини янгисига бўшатиб бераётган, ривожланиш шиддатли тус олган даврда яшаймиз. Бу жадаллик, айниқса, ахборот-коммуникация соҳасида яққол намоён бўлмоқда.**

**AKTни ривожлантириш учун, биринчи навбатда, ушбу соҳага етарли миқдорда сармоя киритиш, соҳанинг хизмат кўрсатишдан тушган маблағларидан самарали фойдаланиш ва уларни ўзлаштириш, янги ва устувор лойиҳаларни молиялаштириш долзарб ишлардан биридир.**



# Жаҳон ахборот майдони сари

Мана, ўн йилдирки, бу муҳим вазифа Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳошида ташкил этилган Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси томонидан синчковлик билан бажарилмоқда. Мухбиримиз жамғарма раиси Равшан АСҚАРОВ билан жамғарма фаолияти, ўтган давр мобайнида эришилган ютуқ ва айрим эътибор таллаб вазифалар ҳақида суҳбатлашди.

**— Равшан Ақбарович, юртимизда ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришга қай даражада эътибор берилмоқда?**

— Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида ахборот-коммуникация технологиялари давлат иқтисодийдини белгилаб берувчи ва ривожлантирувчи кучга айланган. АКТ соҳасининг иқтисодийдаги салоҳиятига қараб у ёки бу давлатнинг ривожланиш даражасига баҳо бериш мумкин. Жаҳондаги жуда кўплаб давлатлар ҳукуматлари томонидан АКТ миллий иқтисодий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг ўсиши ва ривожланишида, шу соҳадаги лойиҳаларни чуқурлаштиришда муҳим омиб бўлиши тан олинган.

Ўзбекистонда ҳам дунёнинг бошқа ривожланган мамлакатлари сингари АКТ соҳасини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Республикада АКТ соҳасининг меъёрий-ҳуқуқий асосини шакллантириш, соҳадаги бошқарув ва ижро органлари ишларини такомиллаштириш, АКТни ривожлантириш ва уни иқтисодийнинг барча соҳаларига татбиқ этиш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Бу соҳадаги кенг миқёсли ўзгаришларда, кўплаб лойиҳаларнинг ниҳоясига етказилганлигида ўз аксини топмоқда.

Масала нақадар муҳимлиги ҳисобга олинган ҳолда ҳамда АКТ соҳасини ривожлантириш, устувор ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар, ахборот технологиялари, маълумотлар узатиш тармоқларини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш, соҳага сармоялар киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларига асосан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳошида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилган эди.

Ўтган вақт мобайнида жамғарма томонидан республикамизда алоқа ва АКТ соҳасини ривожлантириш ва АКТни иқтисодийнинг турли соҳалари ва ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш бўйича кўплаб диққатга сазовор ва эътиборли ишлар амалга оширилди.

**— Жамғармага маблағ тўплаш қандай ҳал этиляпти?**

— Аввало шунга айтиш керакки, ўтган вақт мобайнида жамғарма томонидан жами 31 215,75 миллион сўмлик миқдорда маблағ йиғилди. Йиллар давомида маблағлар тушишининг ўзгариш динамикаси юқоридаги диаграммада кўрсатилган (1997-2007 йиллар).

Маблағларнинг тушиши ортиб бормоқда, лекин 2006 йилда бир неча уяли алоқа компаниялари фаолияти ўзгариши ва базиларининг умуман фаолияти тўхташи сабабли шу йили жамғарма маблағларининг асосини ташкил этувчи лицензиялардан келадиган тушумлар камайган.

Ўтган давр мобайнида жамғарма томонидан унинг Низомиди кўрсатилган йўналишларни молиялаштириш учун жами 28397,84 млн. сўм миқдорда маблағ ажратилган эди. Шунга алоҳида таъкидлаш лозимки, миқдорларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, ҳужжатларни расмийлаштириш, қарз ёки молиявий ёрдам олиш жараёнларини енгиллаштириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида фақатгина соҳадаги юридик шахсларга эмас, балки АКТ соҳасини ривожлантиришга қаратилган хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнес вакиллари ҳам «Алоқабанк»да очилган жамғарманинг кредит линияси бўйича кредит бериш имкони яратилди. Ушбу кредит линияси орқали узоқ аҳоли масканлари, кичик шаҳар ва қишлоқларда ҳам АКТни ривожлантириш имкони туғилди.

Ҳозирги кунда жамғарма томонидан сармоялар, корхоналарга кўрсатиладиган молиявий ёрдам унинг Низомиди белгиланган йўналишлар бўйича ижтимоий аҳамиятга эга устувор лойиҳаларга махсус ташкил этилган комиссия ва Жамғарма Кенгаши қарорига асосан йўналтирилмоқда. Молиявий ресурслардан бу ҳолда фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги



марказий молиялаштиришдан кўра юқори бўляпти.

**— Республикада аҳолисининг алоқа ва ахборот технологияларига бўлган эҳтиёжини қондириш борасида амалга оширилётган ишлар ҳақида гапириб берсангиз.**

— Ўн йил тарихан кўп вақт эмас. Лекин шу қисқа давр мобайнида аҳолининг алоқа ва ахборот технологияларига бўлган эҳтиёжини қондириш борасида анчагина ишларни амалга оширишга эришдик. Жумладан, почта алоқаси универсал хизматлари учун кўрилган 300 млн. сўм миқдорда зарар қопланди, почта ва электр алоқасида пул ўтказиш, тўлов ҳисоб-китоби, назорат тизими ва бошқа кўпгина жараёнлар автоматлаштирилди, жойларда табиий офатлар оқибатини тезда бартараф этиш, нормал алоқа узатиш ҳолатини тиклаш учун маблағ ажратилди, радиоалоқа, телевидение, телекоммуникация ускуналари модернизация қилинди. Натижада алоқа тармоғи янгиланиб, сифати яхшиланди, катта ишлаб чиқариш майдонлари бўшатилди ва умумий харажатлар камайди. 400 млн. сўмдан ортиқ маблағ ахборот технологияларини ривожлантиришга сарфланди, почта алоқаси ходимларининг меҳнат шартларини яхшилаш, улар учун пойабзал, велосипед, транспорт воситаларини сотиб олиш учун 160 млн. сўм ажратилди. Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш, АКТ соҳасида таълим бериш, ўқитиш жараёнларини такомиллаштириш, ушбу соҳадаги олий ва ўрта махсус ўқув юрларининг моддий техника-базасини кенгайтириш, ривожлантиришга маблағ ажратилди. Олинган кредитлар бўйича қарзларнинг бир қисmini қоплаш орқали «Ўзбектелеком»

АКнинг молиявий аҳоли яхшиланishiга ва натижада акциядорлик компанияси иш фаолияти янада ривожланишига эришилди.

Қорақалпоғистон Республикасида соҳани ривожлантиришга бегараз ёрдам сифатида 400 млн.сўм миқдорда маблағ сарфланди.

**— Ўтган давр мобайнида жамғарма томонидан алоқа ва АКТ соҳасини ривожлантиришга қаратилган йўналишларни молиялаштириш орқали эришилган ютуқларга ҳам тўхталсангиз.**

— Иқтисодий самарадорлиги паст бўлган қишлоқ жойларидаги линия-кабел ҳужайраларини кенгайтириш орқали аҳоли телефон алоқаси билан сифатли таъминланганлиги, ер силкиниши натижасида Қашаги туманидаги алоқа уйида вақтинчалик иш тўхташининг Жамғарма тарафидан РРЛ станциясини олиб беришга ажратилган бегараз маблағ туфайли бартараф этилиши бу борадаги ишларнинг бир қисми холос. Шунингдек, ўтган давр мобайнида «Тошкент телеграф-телефон станцияси» филиалига ўрнатилган янги маълумотларни узатиш тизим ва қурилмалари ушбу корхона ишлаб чиқариш майдонининг 1/3 қисмини озод қилди, шунингдек электр қуввати ва ишчи кучларининг тежалиши натижасида катта иқтисодий самарадорликка эришилди. Шунга тан олиш керакки, хат-хабар ва газеталарнинг республика бўйлаб почта орқали миқдорларга ўз вақтида етказилиши почта ходимларининг кийим-бош, пойабзал ва велосипедлар, алоқа бўлимларининг техника воситалари билан етарлича таъминланганлигидандир. Шунингдек, почта бўлимларидаги молиявий ҳисоботларни, пенсия тўловларини назорат қилишда ком-

пютер технологиялари ёрдамида ташкиллаштирилган ва автоматлаштирилган тармоқлар ўз самарасини бермоқда. Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение марказида узатувчи ва қабул қилувчи қурилмаларни ва антенна матчаларини қайта таъмирлаш ишлари бажарилди, шунингдек ТошРТУМга захира дизелли электр генератори ўрнатилди ва техник хавфсизлик, ёнгинага қарши, портловчи ва техноген моддалардан сақланиш тадбирларига оид ускуна ва асбоблар билан таъминланиб, объектлар узлуксиз ишламоқда.

Соҳадаги устувор, ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар ҳамда ахборот технологиялари ва маълумотлар узатиш тармоқларини ривожлантириш мақсадида «Еш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказини ташкил этиш» лойиҳасини молиялаштириш учун Жамғарма Кенгашининг навбатдан ташқари мажлиси қақрилиб, ижобий қарорга эришилди.

**— Жамғарма фаолиятидаги эътибор берилиши зарур вазифалар нималардан иборат?**

— Айтиб ўтилган ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам борки, бу соҳадаги кўплаб корхоналар жамғарма маблағларини ишлатиш, ундан фойдаланишга, олинган қарз ва фоизларни ўз вақтида тўлаш каби масалаларга беэътиборликлариди, кўп ҳолларда қоидабузарликларга йўл қўётганликлариди намоён бўлмоқда. Натижада жамғармага тушадиган маблағларнинг даврийлиги, тўлиқлиги бузилмоқда, режаланган ишларни амалга оширишда қийинчиликлар туғилмоқда.

Келгусида олдимизда турган вазифалар салмоқли. Булар — жамғармада маълумотлар базасини ривожлантириш, автоматлаштирилган хизмат кўрсатиш дастурини яратиш, соҳадаги корхона ва ташкилотларга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларида кўрсатиладиган хизматлар сони ва сифатини оширишдан иборат. Ишончимиз комил; бу вазифалар ҳам, албатта, бажарилади.

**Муборак МИРКАМОЛОВА**  
суҳбатлашди

## XALQARO HAYOT

## ТОЛИБЛАР ТАЛАБИ

"Толибон" ҳаракати икки нафар жанубий корейлик тутқун аёлни озод қилди. Аёллар Ғазна музофотида олиб келинди ва Қизил Хоч халқаро ташкилоти ходимларига топширилди. Ҳозирда аёллар "Баграм" ҳарбий базасида тиббий текширувдан ўтказилмоқда. Врачларнинг айтишича, уларнинг аҳоли яхши.

Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг 19 июл куни 23 нафар Жанубий Корей фуқароси "Толибон" ҳаракати томонидан гаровга олинган эди. Айни кунларда қолган гаровдагиларни озод қилиш бўйича Ғазнада жойлашган Қизил Хоч халқаро ташкилоти биносидан музокаралар олиб борилмоқда. "Толибон"лар қамқоқоналардаги жангари-сафдошларини озодликка чиқаришни талаб қиляпти. Акс ҳолда, гаровдагиларни қатл этишларини айтишмоқда.

ҲАРБИЙ ВЕРТОЛЁТ  
ҲАЛОКАТИ

Ироқда АҚШнинг CH-47 Chinook ҳарбий-транспорт вертолётни ҳалокатга учради. Натижада америкалик беш ҳарбий хизматчи ҳалок бўлди. Ҳалокат Анбар музофотидаги "Ат-Тақадум" авиабазасига яқин жойда содир бўлди.

Америка қўмондонлигининг айтишича, вертолёт яқинда таъмирдан чиққан ва синов училиши амалга ошираётган эди. У юқорига кўтарилган ва қутилмаганда ерга қулаб тушган. Ҳалокат жойига қутқарув гуруҳи жўнатилган.

Шунингдек, қўмондонлик худди шу куни уч нафар америкалик ҳарбий ҳам ҳалок бўлгани ҳақида хабар берди. Улар мамлакатнинг Ниневия музофотида ўз машиналарининг портлаши оқибатида қаттиқ яраланган эди. Сешанба куни эса Бағдод гарбида бир аскар ўлдирилган.

Шундай қилиб, август бошидан буён Ироқда АҚШнинг 412 ҳарбий хизматчиси қурбон бўлган. Умуман олганда, Ироқ-Америка кампанияси даврида АҚШ бу мамлакатда 3699 аскардан жудо бўлган.

ШИМОЛИЙ КОРЕЯДА  
СУВ ТОШҚИНИ

Шимолий Корейда сув тошқини юзлаб инсонларнинг умрига зомин бўлган.

Маҳаллий матбуот нашрлари маълумотига кўра, табиий офат ўттиз минг аҳоли яшовчи уйлари вайрон қилган. Ун минглаб гектар ерлар сув остида қолган. Бундан ташқари, юзга яқин киши бедарак йўқолган.

Табиий офат юз берган жойга БМТ ва Жанубий Корейнинг инсонпарварлик ёрдами етказиб берилмоқда.

ЎЙИНЧОҚЛАР –  
ОВУНЧОҚМИ ЁКИ...

Американинг болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқарувчи машҳур "Маттел" компанияси сотувга чиқарган ўз маҳсулотларини қайтариб олиши кутилмоқда.

— Европа ва АҚШ худудларидан Хитойда ишлаб чиқарилган миллионлаб ўйинчоқлар қайтариб юборилгандан кейин компаниялар минглаб турдаги маҳсулотларини жиддий текширувдан ўтказишга киришиб қолди, — дейди "Маттел" компанияси ижрочи директори Боб Эккерт. — Дунё бўйлаб Хитойга 18 миллион дона ўйинчоқ қайтариб юборилган.

Маҳсулотлари АҚШдан қайтариб юборилгандан сўнг Хитойнинг "Ли Да Ванцзюй" компанияси эгаси завод омборонасида ўз жонига қасд қилган. Текширувлар натижасида "Сезам кўчаси" ва "Тадқиқотчи Дора" туркумидаги 967 минг ўйинчоқ бўёғи таркибида соғлиқ учун зарарли бўлган кўрғошин моддаси борлиги аниқланган. Шунингдек, "Fisher-Price" савдо белгиси остида сотувга чиқарилган ўйинчоқларнинг айримларига магнитлар ўрнатилган. Шундан сўнг барча маҳсулотларни экспорт қилиш тақиқланган. Бу эса компанияга 30 миллион доллар зарар келтирган. Ходимлар "бундай камомад билан ўнгиланиб кетиш жуда қийинлигини" таъкидлашмоқда. Компания инқироз ёқасига келиб қолган.



## HAMKORLIK UFQLARI

Шу йилнинг 15-16 август кунлари пойтахтимиздаги "Le Grande Plaza" меҳмонхонасида ахборот ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш соҳасидаги "U-CONNECT 2007" халқаро семинари ўтказилди. Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Корея Республикаси Ахборот вазирлигининг расмий кўмағида, Ўзбекистон IT-ассоциацияси ва Корея Республикасининг Интернетни ривожлантириш миллий агентлиги ўртасида имзоланган Шериклик тўғрисидаги меморандум доирасида ташкил этилди.

U-CONNECT 2007:  
Янги босқич

Семинарнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил Департаменти мудири Асрор Эшонхўжаев, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари Асаджон Хўжаев, Корея Республикасининг Интернетни ривожлантириш миллий агентлиги президенти Сонг Кван Хо, Корея миллий ассамблеяси вакили Вонг Жае Ил ва KISTI ташкилоти президенти Янг Бюнг Таелар сўзга чиқиб, Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустақамлашиб бораётганини, ушбу семинар мамлакатларимиз ўртасидаги яқин ҳамкорликнинг яққол натижаси эканлигини ҳамда ўзаро тажриба алмашиш, технологик ёрдам кўрсатиш, АКТ соҳасидаги янгилликлар ва икки томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлаб ўтишди.

Семинарда қатор муҳим масалалар муҳокама этилди. Ўзбекистон, Мўғулистон, Камбоджа, Шри-Ланка ва Корея Республикаларида АКТнинг ривожидан доир маърузалар ўқилди. Шунингдек, электрон бошқарув, инфратузимила ва стандартлаштириш, интернет хавфсизлиги ва қонуний ҳимоя, мобил технологиялари йўналишидаги қатор маърузалар тингиланди. Айниқса, Кореянинг

KORIC компанияси президенти Йим Чу Хваннинг "WiBro: Mobile WiMax" маърузаси йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

— WiBro технологияси симсиз алоқанинг энг қулай усулидир, — деди маърузачи. — Телефон алоқасидан бир асрдан ортқ вақти, фойдаланиб келамиз. Кейинги йилларда симсиз алоқа жадал суръатларда ривожланмоқда. Ҳозирда симсиз алоқадан фойдаланувчилар сони симли алоқа милежолари сонидан ошиб кетди. Интернетнинг ҳам симсиз усули кенг тарқалмоқда. Лекин мобил телефонлари орқали уланадиган интернет анча қimmatга тушади ва тезлик, сифат муаммоси ҳам юзага келиши мумкин. Агар сизда WiBro бўлса, бундай муаммолар юзага келмайди.

WiBro ўзи нима? Ундан қандай фойдаланиш мумкин? Samsung компанияси томонидан 2002 йили ишлаб чиқилган ва 2005 йилдан амалиётга жорий этилган ушбу стандарт симсиз алоқани таъминлайди. WiBro, яъни Wireless Broadband — кенг полсалли симсиз алоқа тизими WIMAX стандартининг бир кўринишидир. Фақат ундан фарқли томони энергия таъминотининг камхаржлигидир. Жойларда ўрнатиладиган база станциялари 1-5 км радиусда бир пайтнинг ўзига юқори тезликдаги интернет, мобил алоқа, теле ва радио эшиттиришлар билан таъминлайди.

## MOBIL XIZMATI YANGILIKLARI

## Дўстона суҳбатлашамиз

Янги «Дўстлар» тарифида «Билайн» мижозлари билан аввалгига караганда кўпроқ суҳбат қилиш мумкин, чунки ушбу тарифда тармоқ ичидаги барча чиқиш кўнғироқлари дақиқасига 1 центни ташкил этади.

— Биз ҳаммиса абонентларимизнинг мобил мулоқотларини янада осонлаштиришга интилиб келямиз, — дейди «Unitel» МЧЖ Тижорат ишлари директори Евгений Скрипник. — Ушбу тариф дўстлари ва яқин кишилари «Билайн» алоқасидан фойдаланувчи кишиларга жуда мос келади. «Дўстлар» тариф режаси фақат Тошкент, Марказий, Жанубий ва Жануби-Фарбий филиаллар, яъни Тошкент шаҳри ва Тошкент вило-



Уни смартфонлар, уяли телефонлар ва ноутбукларга ўрнатиш мумкин. Шунингдек, WiBro стандарти учун мўлжалланган 5 миллион дона махсус терминал ҳам ишлаб чиқарилган. Ҳозирда Кореяда WiBro хизматларини кўрсатувчи иккита компания фаолият олиб бормоқда. Унинг хизматларидан ҳатто метро ҳам фойдаланиш имкони бор. Технология Кореяда ишлаб чиқилган бўлса-да, жаҳон стандарти асосида хизмат кўрсатади. Шу боис ундан фойдаланиш истагида бўлганлар сони дунё бўйлаб ортиб бормоқда. Ҳозирда жаҳоннинг 30дан ортқ мамлакатида WiBro хизматидан фойдаланилмоқда.

Маърузачининг фикрича, ушбу технологияни Ўзбекистонда жорий этиш аҳлини симсиз алоқа билан таъминлашнинг самарали усули ҳисобланади. Чунки кенг ҳудуд бўйлаб сим тортиб чиқишнинг имкони йўқ, WiBro эса бундай харажатларнинг олдини олади.

Шу каби қизиқарли мавзулар икки кун мобайнида қатор давлатлар ва мамлакатимиз вакиллари билан иборат 20дан ортқ мутахассислар томонидан атрофлича муҳокама қилинди. Ҳар томонлама фойдали бўлган ушбу семинар ахборот жамияти қарор топшиш жараёнининг янги босқичи сари яна бир қадам ташлаш имконини берди.

Лутфилло ТУРСУНОВ

«Unitel» МЧЖ  
«Дўстлар» тариф  
режасини амалга  
киритди.

яти, шунингдек, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Навоий вилоятлари абонентлари учундир. Тариф шартлари жорий йилнинг 15 октябрга қадар амал қилади, кейинги ўзгаришлар тўғрисида ўрнатилган тартибда маълум қилинади.

«Дўстлар» тариф режасига «Менинг Билайн» хизмати ёки уяли телефондан \*110\*508# ни териш орқали ўтиш мумкин. «Билайн»нинг бошқа тариф режаларидаги каби ушбу янги «Дўстлар» тариф режасида ҳам абонентлар ўз маблағларини нол балансга сарфлашлари ва бунда кириш кўнғироқлари ҳамда қисқа хабарларни қабул қилишлари мумкин.

**ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ  
МАРКАЗИ ЖАМОАСИ**

Юртимиз аҳолисини  
умумхалқ байрами —  
**Мустақиллик кунини**  
билан табриклайди.

*Байрам эпкини шаҳар  
ва қишлоқларимизга, аҳил ва иноқ  
халқимиз турмушига фаровонлик,  
тинчлик-осойишталик олиб кирсин!*

**Сизларга кўплаб ютуқ  
ва зафарлар ёр бўлаверсин!**

**“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ  
ФАРФОНА ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

**Халқимизни  
Истиқлол айёми  
билан самимий  
кутлайди.**

**Севимли ва жаннатмакон  
юртимизда байрамлар  
байрамларга уланаверсин**

**Байрам муборак, азиз юртдошлар!**

**“ЎЗИ-ЖИЗЗАХ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Мустақил юртимизнинг барча  
фуқароларини, жумладан, алоқа ва  
ахборотлаштириш соҳаси фидойиларини

**Мустақиллик байрами билан**  
самимий муборакбод этади.

**Сизларга мустаҳкам соғлиқ,  
фаолиятингизда улкан  
зафарлар тилаймиз!**

**ОНА ЮРТИМИЗ ДОИМО ГУЛЛАБ-ЯШНАЙВЕРСИН!**

**“КОИНОТ” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК  
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

Барча ўзбекистонликларни  
1 сентябр —  
**Мустақиллик кунини** билан  
табриклайди.

Эзгу ниятлар билан бошлаган  
барча ишларингизда  
муваффақиятлар тилаймиз!

**Байрамингиз кутлуғ бўлсин!**

# Новости в сфере ИКТ

## Хакеры взломали сайт ООН



Неизвестные злоумышленники взломали официальный сайт Организации Объединенных Наций (ООН).

Как сообщает BBC, киберпреступники разместили в разделе обращений генерального секретаря ООН короткое сообщение, адресованное властям Израиля и Соединенных Штатов. В своем послании хакеры призвали Израиль и США прекратить убивать детей и простых людей и положить конец войне на Ближнем Востоке.

Сообщение появилось в англоязычном разделе сайта ООН и продержалось там несколько часов. На момент написания заметки последствия взлома были устранены. Злоумышленники, получившие несанкционированный доступ к серверам ООН, подписались как kerem125, Gsy и M0sted. Примечательно, что ранее данные псевдонимы уже фигурировали в сообщениях, оставленных на других взломанных сайтах. Причем в одном из подобных случаев ники хакеров сопровождали словосочетанием «turkish defacers» (турецкие дефейсеры). Это позволяет предположить, что сайт Организации Объединенных Наций взломали турецкие киберпреступники.



## Британцы недовольны мобильной рекламой

Как показало исследование, проведенное аналитической компанией GfK NOP, 70% опрошенных в Великобритании оказались недовольны рекламными сообщениями, приходящими на их мобильники, а 64% абонентов они попросту раздражают.

По словам представителей компании, только 11% респондентов признались, что они воспользовались присылаемыми рекламными предложениями. А 47% хотели бы поменять оператора сотовой связи - лишь бы он прислал интересную им рекламу. По словам экспертов, такие результаты показывают неспособность большинства операторов сортировать рекламную информацию и направлять ее отдельным целевым аудиториям. И дело не только в том, что таким образом они лишают себя части дохода. По мнению специалистов, все гораздо серьезнее - они рискуют потерять абонентов.

## Гвинея-Биссау продала свой домен

Государство Гвинея-Биссау, расположенное в Западной Африке на 60 мелких островах и омываемое водами Атлантического океана, продало право распоряжаться своим национальным доменом американской компании IT & Media. Представители последней сообщили, что формально компания будет выступать агентом по регистрации доменов в зоне GW, однако долевые про-

центы прибыли, получаемой компанией и правительством Гвинеи-Биссау, в IT & Media уточнить отказались.


В заявлении нового администратора сказано, что домен GW в ближайшее время будет открыт для регистрации по всему миру, а благодаря тому, что стоимость регистрации доменных имен в зоне GW компания намерена сделать аналогичной стоимости

## В тюрьму из-за Гарри Поттера

Французская полиция арестовала подростка, который подозревается в публикации в Сети собственного перевода последней книги о Гарри Поттере задолго до ее официального выпуска во Франции. Подразделение по борьбе с контрафактом взяло шестнадцатилетнего школьника под стражу в понедельник, но позже он был выпущен на свободу, сообщает агентство Reuters. В настоящее время ведется расследование. Возможно, тинейджеру будет предъявлено обвинение в нарушении авторских прав.

Представитель издательского дома Gallimard, который владеет эксклюзивными правами на издание книги во Франции, подозревает, что школьник - не фанат произведений о Гарри Поттере, а член организованной сети, которая использует молодых людей.

Издатели утверждают, что «Гарри Поттер и роковые мощи» стала самой быстро продаваемой книгой в истории. Только за первые 24 часа с начала продаж было раскуплено около 11 миллионов экземпляров заключительной части саги о юном волшебнике.



разделение Global Web. В октябре 2007 г. компания планирует начать период приоритетной регистрации доменов для владельцев товарных знаков.

Для популяризации доменной зоны GW компания IT & Media предложила всем некоммерческим организациям бесплатную регистрацию имен в этом домене сроком на два года.

## Поисковая система ищет людей

Во Всемирной сети появилась необычная поисковая система под названием Spock.com, предназначенная исключительно для поиска людей.

Проект Spock.com был начат в прошлом году. Сервис позволяет искать информацию о конкретных лицах или группах людей, объединенных по какому-либо признаку, например, профессии, увлечениям и так далее. В поисковую строку можно вбивать имена интересующих персон или ключевые слова вроде «актер», «президент», «блоггер» и пр.

В настоящее время, как сообщает ArsTechnica, поисковик Spock.com содержит информацию примерно о 100 миллионах наиболее извест-

ных людей. Каждый день в базу данных сервиса добавляется еще по миллиону записей. Примечательно, что информацию в базу Spock.com могут заносить и зарегистрированные пользователи службы. Для каждой записи при этом можно указывать несколько тегов, облегчающих последующий поиск.

В настоящее время служба Spock.com находится на стадии закрытого бета-тестирования. Стать подписчиком сервиса можно только по специальному приглашению. Впрочем, уже в середине текущего месяца создатели Spock.com намерены открыть полный доступ к поисковику для всех желающих.



### АФОРИЗМ

В ком благородство высшее найдете,  
Тот у людей и в славе, и в почете.

Алишер НАВОИ

## Объявление

### о конкурсе по подключению образовательных учреждений к сети Ziyonet

В целях выполнения Постановления Президента Республики Узбекистан №ПП-191 «О создании общественной образовательной информационной сети Республики Узбекистан» и Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан №ПКМ-282 «О дальнейшем развитии информационной сети Ziyonet» объявляется конкурс по отбору операторов и провайдеров по подключению образовательных учреждений к сети Ziyonet.

Предметом конкурса является предоставление всем образовательным и социальным учреждениям Республики Узбекистан (школы, колледжи, лицеи, музеи, молодежные организации) неограниченного доступа к информационным сетям, включая Интернет посредством общественной образовательной информационной сети Ziyonet.

К конкурсу приглашаются все провайдеры-резиденты Республики Узбекистан.

### Заявки принимаются по следующим регионам:

- |                              |                             |
|------------------------------|-----------------------------|
| 1. Андижанская область       | 8. Самаркандская область    |
| 2. Бухарская область         | 9. Сурхандарьинская область |
| 3. Джизакская область        | 10. Сырдарьинская область   |
| 4. Кашкадарьинская область   | 11. Ташкентская область     |
| 5. Навоийская область        | 12. Ферганская область      |
| 6. Наманганская область      | 13. Хорезмская область      |
| 7. Республика Каракалпакстан | 14. г. Ташкент              |

Заявки на участие в конкурсе по указанным регионам принимаются до 15 сентября 2007 года Рабочим органом Конкурсной комиссии по следующему адресу:

### Центр UZINFOCOM

Почтовый адрес рабочего органа: 100011, г. Ташкент, ул. А.Навои, 28-Б.  
Всю необходимую информацию можно БЕСПЛАТНО получить по следующим контактным данным Рабочего органа Конкурсной комиссии:  
Контактный телефон рабочего органа: 138-42-39  
Факс рабочего органа: 138-42-48 E-mail: ziyonet@uzinfocom.uz  
URL: www.ziyonet.uz

# Хабарлар + TV

## ОУБАВОТРОМ

- 5.55 Курстувлар дастури.
- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 8.00-8.45 Тахлидинома.
- 8.50 Оттин мерос.
- 9.00 "Юртим бўйлаб" дастури:
- "Ўзбекистон замонавий миниатюраси".
- "Болалар сайраси".
- 9.20 I. "Ишбилармон кишилар".
- Бадий фильм.
- 2. "Бакт ўзи нима?" Муаллифдем.
- 10.55 Дунё иқлими.
- 11.00 "Абзор".
- 11.20 "Одани эрсани".
- 11.40 "Самарқанд - 2750".
- 11.45 Х. Давром, Б. Лутфуллаев.
- "Соғини". Муқддий номдаги мусиқий драма театрининг спектакли. 1-қисм.
- 12.50 "Соғини". Спектакль. 2-қисм.
- 13.45 Вилоят наволари.
- 13.55 Дунё иқлими.
- 14.00 "Абзор".
- 14.20 "Олим ва олим" дастури: "Ноилоҳ сийдали".
- 15.10 "Шарқ тароналари".
- 15.20 "Ватанларим".
- 16.20 Самарқанднинг 2750 йиллиги олдидан. "Йулдаги суббатлар".
- "Болалар сайраси".
- 16.45 "Эртаслар - яшнликка етаклар".
- 17.00 "Абзор".
- 17.15 Оттин мерос.
- 17.20 "Хаст ва ҳаётини".
- 17.40 "Маргилом - 2000".
- 17.45 "Араб Сиз".
- 18.05 "Оқинлар оғузида".
- 18.15 Миллий сериал: "Пойдевор". 7-қисм.
- 18.45 "Сизнинг адвокатингиз".
- 18.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. "Бу меннинг Ватаним".
- 19.20 Дунё иқлими.
- 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
- 19.30 "Абзор" (рус тилида)
- 20.05 ТВ пифбор.
- 20.10 "Уч бека". Телесериял премьераси (Туркия)
- 20.50 Дунё иқлими.
- 21.00 "Абзор".
- 21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. "Бу меннинг Ватаним".
- 22.10 "Муҳаббат гушаи". Телесериял премьераси (Корея)
- 23.10 "Қўшғилмас, муҳаббат" (SMS. Овоё берини)
- 23.20 Миллий сериал: "Уч", 6-қисм.
- 24.00-00.05 Тунги наволар.
- "Шабнам".
- 00.05 Курстувлар дастури.
- 00.10 "Юртим бўйлаб" дастури:
- "Ўзбекистон замонавий миниатюраси".
- 00.30 "Тезини сирлари".
- 00.50 Самарқанд - 2750".
- 00.55 Дунё иқлими.
- 01.00 "Абзор". Информацион дастр (рус)
- 01.30 Оттин мерос.
- 01.35 "Соғини". Спектакль.
- 03.30 "Йулдаги суббатлар".
- 03.55 Дунё иқлими.
- 04.00 "Абзор". Информацион дастр.
- 04.35 "Маргилом - 2000".
- 04.40 "Минг бир ривоят".
- 04.45 "Бу меннинг Ватаним".
- 05.15 Миллий сериал: "Пойдевор". 7-қисм.
- 05.45-05.55 Тонгги наволар.

## БАВОТРОМ

- 17.55 Дастринг оидини.
- 18.00 "Нафосат олим". Рассом Жавлон Умарбеков ижодидан.
- 18.10 "Яшилбаи ношукати".
- 18.30 "Мумто ношо".
- 18.40 "ЎзЕХ хабарлари" (рус ва инглиз тилларида)

## ДУШАНБА — 20 АВГУСТ

- 18.50 "Иқлим".
- 19.00 "ДАВР".
- 19.30 "Муҳаббат ва эҳтирос".
- Телесериял.
- 20.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги бағишланади.
- "Бит қимми?".
- 20.30 "Еллик наволари".
- 20.45 "Эълонлар".
- 20.50 "Никомли уй". Телесериял.
- 21.40 "ЎзЕХ хабарлари".
- 21.45 "Хес нима ҳақида битниклар".
- 21.55 "Мангуликка муҳриланган мустақиллик".
- 22.00 "ДАВР".
- 22.30 "SMS-муошса". Еши ижроҳлар ташлили.
- 22.50 "Пувро". Телесериял.
- 23.40 - 23.45 "Таксин".

## КОММЕНТ

- 17.50 Курстувлар тартиби.
- 17.55 Муаллифдем: "Қулуз амакиннинг ҳикоялари".
- 18.05 Телекурсер - маркет".
- 18.30 "Пойтав" аборот дастури.
- 18.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги: "Шуҳром".
- 18.50 "Эълонлар". Телесериял.
- 19.25 ТВ юрист".
- 19.30 "Муошса SMS".
- 19.50 "Саломат бўлинг! /рус/".
- 20.00 "Пойтав" аборот дастури /рус/".
- 20.15 ТВ юрист /рус/".
- 20.20 "Необуздан Африка".
- Полиателетарная программа. 6 - серия.
- 20.50 "Интервью /рус/".
- 21.00 "Жазоба".
- 21.30 "Пойтав" аборот дастури.
- 21.45 "Ҳикарилар".
- 21.50 Телекурсер - маркет".
- 22.10 "Ада қалби".
- 22.30 "Пойтав" аборот дастури /рус/".
- 22.45 "Кино SMS со звездами".
- 22.50 Кино: "Между небом и землей".
- 00.20 - 00.25 Хабарли тун, шаҳрим.

## СПОРТ

- Телеомеишабилар дикқатига!
- Профилактика мусомбасти билан, 20 август кунин "Спорт" телеканалидан рус курстувлари 18.00 дан бошланади.
- 18.00 Болалар спорти.
- 18.00 "Муқддий сирати".
- 18.30 "Хабарлар" (рус тилида)
- 18.50 "Кли нимага қадир?".
- 19.10 "Жин мени".
- 20.00 "Ўхше тайна". Сериял.
- 20.45 "Гимбукту. Главное - добраться до пещи". Две филми.
- 21.00 Тет-а-тет".
- 21.10 Футбол шарри.
- 21.30 "Хабарлар" (узб тилида)
- 21.50 "Дела семейные". Сериял.
- 22.00 Бокс. WBC финалиши Осге психфик чемпионлик жанги Кувончбек Тойланбоев - Вадим Лутфуллаевиде.
- 00.50 "Тунингиз ошуда бўлсин!"

## БИРИНЧИ

- 4.00 Телеканал "Доброе утро"
- 8.00 11.00 14.00 Новости
- 8.05 Телеканал "Доброе утро".
- Родовление
- 8.30 "Малахов"
- 8.30 "Контрольная закупка"
- 10.00 "Агент национальной безопасности". Т/с.
- 11.15 "Модный приговор"

- 12.25 "Детективм".
- 13.00 Другие новости
- 13.25 "Фазила"
- 14.15 "Поняв. Простита"
- 14.50 "Логита. Без комплексон"
- 15.55 "Федеральный сула"
- 17.00 Вечерние новости
- 17.15 "Жин мени"
- 18.05 "Отпуек. Билет в один конец"
- 18.55 "Убойная сила". Т/с.
- 20.00 2.00 Время
- 20.30 Т/с "Золотой теленок"
- 21.30 "Господа офицеры". Т/с.
- 22.25 "На ночь глядя".
- 23.15 "Личная жизнь Андрея Кончаловского"
- 0.10 "Тени и зловен"
- 0.45 Филм "Дом на дюнах"
- 2.30 "Модный приговор"
- 3.15 Сериял "Битва за галактику"

## РОССИЯ

- 04.00 "Доброе утро, Россия!"
- 07.00 Т/с "Государственная граница".
- Фильм 6. "За порогом Победы".
- 09.45 03.40 "Вести. Дежурная часть".
- 10.00 13.00 16.00 19.00 "Вести".
- 10.30 13.20 18.40 "Местное время. Вести - Москва".
- 10.50 "Суд шлет".
- 11.50 М/с "Том и Джерри. Детские игры".
- 12.35 М/ф "Пес в сапогах"
- 13.40 Т/с "Марш Турецкого". "Пуля для полпреда".
- 15.30 "Кулагин и партнеры".
- 16.20 "Местное время. Вести - Московская область".
- 16.40 Т/с "Танго-критерий".
- 17.40 Т/с "Ангел-хранитель".
- 19.45 "Спокойной ночи, малыши!"
- 19.55 Т/с "Расплата".
- 22.35 "Горошок".
- 23.35 "Вести +".
- 23.55 Т/с "Угон".
- 00.45 "Дорожный патруль".
- 00.55 Х/ф "Коктебелл".

## НТВ

- 00.00 "Сегодня утром".
- 02.10 Т/с "Золотые парни".
- 03.05 "Славские весты".
- 04.00 07.00 13.00 16.45 "Сегодня".
- 04.20 "Из правы".
- 04.55 "Кутинярый поединок".
- 05.55 "Квартирный вопрос".
- 07.30 Т/с "Кодекс жести 3".
- 09.50 12.30 "Чрезвычайное происшествие. Обзор".
- 10.00 "Сегодня".
- 10.30 19.45 Т/с "Возращение Мухтара 2".
- 13.40 Т/с
- 19.10 Т/с "Победившие смерть".
- 21.30 "Криминальная Россия".
- 21.55 Х/ф "Суворов".
- 23.35 М/с "Альф".

## КУЛЬТУРА

- 06.00 Канада "Боронное".
- 09.00 18.30 22.30 "Новости культуры".
- 09.20 "В главной роли...".
- 09.35 00.35 Программа переах.
- 09.45 "Путешествия натуралиста".
- 10.15 Х/ф "Александр Маленковский".
- 11.50 "Линия жизни".
- 12.45 "Достояние республики".
- 13.00 Х/ф "Коллеги".
- 14.35 I/ф "Елипокаская резиденция в Вязьбуросе".
- 15.50 I/ф "Игорь Моисеев. Я вспоминаю... гострель длиною в жизнь". Фильм 1.
- 15.20 Х/ф "Маскар-следопыт", 1 с.

- 16.25 М/ф "Дом, который построили все".
- 16.35 Д/с "Кетцалькоатль. Тайна первого змея", 6 с. "На тропе призраков".
- 17.00 С. Прокофиев. Оратория "Иван Грозный". Концертное исполнение.
- 18.00 "Кто мы?" История, распытая в пространстве". Пер. 5.
- 18.50 Д/с "Толая наука". "Оползни".
- 19.40 Д/ф "Знакйбар. Желчужина султана".
- 20.00 Д/ф "Я хочу жить взволнованно".
- 20.40 "Pro topologia". "Шляпы и шляпки".
- 20.55 Т/с "Джэви и Вустер", 12 с.
- 21.45 Д/ф "Андрей Кончаловский и Сиена".
- 22.50 Х/ф "История Аси Клячиной, которая любила, да не вышла замуж".
- 00.25 С. Рамазиннов. Три преждоия. Исполняет А. Мельников.
- 00.40 Д/с "Толая наука". "Оползни".
- 01.35 Д/ф "Капди. Будизм сегодня".

## СТС


- 07.00 Т/с "Школа "Черная дыра".
- 07.45 М/ф "Кот, который умел летать".
- 07.55, 14.30, 15.00, 15.05, 15.30, 16.00 М/с 08.00, 19.00 6 кадрин.
- 08.30, 10.30, 18.00, 22.00 Т/с "Моя прекрасная няня".
- 09.00 Т/с "Дочки-матери".
- 11.00, 19.30 Т/с "Кто в доме хозяин?".
- 12.00 Т/с "Безумный свидетель".
- 13.00 Т/с "Славя".
- 13.30 "Загадочные места".
- 16.30 "Проклятие Тома и Джерри".
- 17.00 Т/с "Лиззи Маргарет".
- 17.30 "Гависа".
- 21.00 Т/с "Дочки-матери".
- 23.00 Х/ф "Безумный Макс".
- 01.30 Д/с "Загадки медицины". Улар моддини.
- 02.25 Комедия "100 позитив Эдди МакДуада".
- 03.10 Т/с "Гордость".

## ТВ3

- 07.00 Победоносный голос.
- 07.30 М/ф.
- 10.00 Х/ф "Ошибка Бэйли".
- 11.45 Х/ф "Клуб "Рай".
- 14.00 19.00 Самые смешные моменты жизни.
- 14.30 19.30 Расцветшая жизнь.
- 15.00 Х/ф "Покровитель".
- 17.00 Х/ф "Победа апокалипсиса".
- 20.00 Т/с "Линия зашиты", 5 с.
- 21.00 Т/с "Одна тень на дюнах", 1 с.
- 22.00 Х/ф "Сала Махмудович".
- 00.00 Т/с "Байки из скелета", 1 с.
- 00.30 Х/ф "Проклятие".
- 02.30 Кульвта наизности.

## ТНТ

- 23.45 Т/с "Любовь и тайны Сансет Бэй".
- 00.30 07.30 13.00 Такси.
- 00.55 "Глобальные новости".
- 01.00 13.30 Москва: инструкция по применению.
- 01.30 Т/с "Плюше девочки".
- 02.20 Предприниматель.
- 02.35 Наши песни.
- 03.00 "Школа ремонта". "Про Душу, Тимону и Клеку".
- 04.00 12.00 14.00 Т/с "Счастливы вместе".
- 05.00 М/с.
- 08.00 Т/с "Саша+Маша".
- 09.00 15.00 18.15 21.50 Дом 2.
- 10.00 Боевые "Детектив Шараф".
- 16.00 Комедия "Бинго Боинго".
- 18.40 "Секс с А. Чеховой".
- 19.10 "Нобиссаимо, но факт".
- 20.05 Комедия "Великолепная четверка".
- 22.40 Лучшие анекдоты из России.



5.55 Кўрсатув дастури.  
6.00 Ассалом, Ўзбекистон!  
8.00-8.35 "Абобор".  
"Болалар сайёраси".  
8.40-11 "Уйла, Йилла, Топ!" Телемузофиқа.  
9.50 "Ериштон". Видеофильм.  
9.50 "Остонаси тиллодан".  
10.10 "Уч бега". Телесериял.  
10.45 "Сўзинг алоқатингиз".  
10.50 ТВ шифокор.  
10.55 Дунё ictimoi.  
11.00 "Абобор".  
11.15 Миллий сериал: "Уч", 6-қисм.  
11.55 "Самарқанд - 2750".  
12.00 "Абобор" (инглиз тилида).  
12.10 "Мен гулдан юрт", 1-қисм.  
12.25 "КиноТеп".  
12.50 "Муҳаббат гўшиси". Телесериял.  
13.45 Олтин мерос.  
13.55 Дунё ictimoi.  
14.00 "Абобор".  
14.20 "Одам ва одам" дастури: "Ноёздек саёбадлар".  
15.10 "Шарк тароналари".  
15.30 "Хает мангаралари".  
15.40 "Интеллектуал ринг".  
16.25 Сапарқондан 2750 йиллик олдидан. "Тасвирот".  
"Болалар сайёраси".  
16.40 "Эртақар - ҳақиқатга етказар".  
17.00 "Абобор".  
17.15 Олтин мерос.  
17.25 "ИВБ хабарлари".  
17.40 "Марилон - 2000".  
17.45 "Хушхал ҳаёт".  
18.00 "Оқишлар оқишлари".  
18.10 Миллий сериал: "Пойдевор", 8-қисм.  
18.40 "Банк ва бизнес янгиликлари".  
18.50 Ўзбекистон Республикаси мухаддирлигининг 16 йиллик олдидан.  
"Бу меннинг Ватаним".  
19.20 Дунё ictimoi.  
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.  
19.30 "Абобор" (рус тилида).  
20.05 ТВ шифокор.  
20.10 "Уч бега". Телесериял.  
20.50 Дунё ictimoi.  
21.00 "Абобор".  
21.40 Ўзбекистон Республикаси мухаддирлигининг 16 йиллик олдидан.  
"Бу меннинг Ватаним".  
22.10 "Муҳаббат гўшиси". Телесериял.  
22.10 "Қўшиқчиси, муҳаббат" (SMS, Оваз Берди).  
22.20 Миллий сериал: "Уч", 7-қисм.  
24.00-00.05 Тунги наволар.  
Uzbekistan.  
00.05 Кўрсатув дастури.  
00.10 "Юртим бўйлаб" дастури: "Қишлоқ вази".  
00.30 "Муҳаббат қадимокор".  
00.50 "Самарқанд-2750".  
00.55 Дунё ictimoi.  
01.00 "Абобор". Информацион дастур (рус).  
01.30 "Янги кун". Информацион дам олдидан дастури.  
02.30 "Регистон".  
02.45 "Хает мангаралари".  
02.55 "Дунё ictimoi".  
03.00 "Абобор" (инглиз тилида).  
03.10 "KINOMANUVA".  
03.40 "Истеълол".  
04.00 "Абобор". Информацион дастур.  
04.25 "Марилон-2000".  
04.40 "Минг бир ривож".  
04.45 "Бу меннинг Ватаним".  
05.15 Миллий сериал: "Пойдевор", 8-қисм.  
05.45-05.55 Тонти наволар.



6.55 Дастуринг олдидан.  
7.00 "ЯНГИ ТОН".  
8.00 "Даринг боласи".  
8.15 "Сеним, шоймаш тур".  
Мультипликация.  
8.25 "Болалар забоси".  
8.30 "Галатсия" мифийрив дастури.  
9.00 "Муҳаббат ва эхтирос". Телесериял.  
9.50 "Истик".  
10.00 "ДАВР".

10.15 "Бизнинг байрам".  
10.20 "Интерфутур".  
11.50 "Чемпион сирлари".  
12.10 "Ишқомил уй". Телесериял.  
12.50 "Истик".  
13.00 "ДАВР".  
13.15 "Бу байрам - барчамизники".  
13.20 "Нобрат оғам". Рассом Акмал Жамалов иқоладан.  
13.30 "Қадимий ва афсонавий Марилон" 1-қисм.  
14.00 "ЯНГИ КҮН".  
15.00 "Паро". Телесериял.  
15.50 "Истик".  
16.00 "ДАВР".  
16.15 Миллий сериал: "Сардор".  
16.45 Ешлар симфонияси.  
17.00 "Муҳаббат дунё". Илимий-маърифий сериал.  
17.50 Иқтисодий ҳаётим йиллик: "Мурғуват".  
18.00 "Даринг боласи".  
18.15 "Сеним, шоймаш тур". Мультипликация.  
18.25 "Ватаним".  
18.30 "Мумтоз наво".  
18.50 "Истик".  
19.00 "ДАВР".  
19.30 "Муҳаббат ва эхтирос". Телесериял.  
20.10 "JOKER" телелотереяси.  
20.20 "Эрта сунги юдулар".  
20.40 "Бу байрам - барчамизники".  
20.45 "Эълонлар".  
20.50 "Ишқомил уй". Телесериял.  
21.35 "Ештак наволари".  
21.55 "Мангулаку муҳаббатини муқаддаслик".  
22.00 "ДАВР".  
22.30 "SMS-мушар". Еш иқорлар ташдири.  
22.50 "Паро". Телесериял.  
23.40 - 23.45 "Таскил".




Телеомошабандлар диққатингиз!  
Профилекция муносабати билан Сешанба 21 август кунин "Tohshkent" телерадиоканали эв кўрсатуларини соат 17.50 дан бошлайди.  
17.50 Кўрсатув дастури.  
17.55 Мультипликация.  
17.55 Мультипликация: "Қуёвда авиацияни уқовчилар".  
18.05 "Телекурер-маркет".  
18.30 "Пойтағ" аборот дастури.  
18.45 Ўзбекистон Республикаси мухаддирлигининг 16 йиллик олдидан.  
"Шуқро".  
18.50 "Этикалар". Телесериял.  
19.25 "ТВ юртим".  
19.30 "Музыка SMS".  
19.50 "Ҳимоя".  
20.00 "Пойтағ" аборот дастури (рус).  
20.15 "ТВ юртим" (рус).  
20.20 "Неоубуздан Африка".  
Пенавательный программа. 7-серия.  
20.50 "Репортаж".  
21.00 "Жоабов".  
21.30 "Пойтағ" аборот дастури.  
21.45 "Эълонлар".  
21.50 "Телекурер-маркет".  
02.05 "ТВ юртим".  
22.30 "Пойтағ" аборот дастури (рус).  
22.45 "Кино SMS со дилемани".  
22.50 Кино: "Бой с тенгю".  
00.40 - 00.45 Хайри тун, шахрим.




7.00 "Бадро удро".  
8.00 "Хабарлар" (рус. тилида).  
8.20 Мультипликация.  
8.30 "Мазахов +".  
9.30 "Детектив".  
10.00 "Хабарлар" (узб. тилида).  
10.20 "15-А" (Академия тенниса) Сериял.  
10.45 "Физика".  
11.15 - 12.45 Везмиринг университиди.  
Церемония ақрияти.  
\*\*\*  
18.00 "Болалар спорти".  
18.15 "Музыкаий тайм".  
18.30 "Хабарлар" (рус. тилида).  
18.50 "Возврат свет".  
19.35 "Халқ уйиқлари".


20.00 "Ҳуқуқ тайми". Сериял.  
20.50 "Алишпа. Вожда, ҳазолати ва короти". Док. фильм.  
21.05 "Спорт - меннинг ҳаётим".  
21.30 "Хабарлар" (узб. тилида).  
21.50 "Дела семинье". Сериял.  
22.50 Еврофутбол. Испания суперкубоки.  
"Real" (Мадрид) - "Севилья".  
00.25 "Тунинги оқуда бўлиши".




4.00 Телеканал "Добро утро"  
6.00 11.00 14.00 Новости  
8.05 Телеканал "Добро утро".  
Продолжение.  
8.30 "Малхов +"  
9.30 "Контрольная закупка"  
10.00 "Агент национальной безопасности". Т/с.  
11.15 "Мойший приговор"  
12.25 "Детективы"  
05.30 Кинол "Брифинк".  
09.00 05.00 "Программа передач".  
09.10 "Библиейский сюжет".  
09.40 Х/ф "Возросле дети".  
10.50 "Недальние истории".  
11.05 "Кто в доме хозяин".  
11.35 Х/ф "Стрелка сокровища".  
12.55 М/ф "Он и Ах", "Он и Ах иду в позад". "Птица Тарг".  
13.25 "Путешествия натуралиста".  
13.50 Спектакль "Ва-банк".  
15.30 Д/ф "Физическое аббетство".  
15.45 Д/ф "Ерберт фон Карани".  
Мастер, мастери".  
16.45 00.55 Д/с "Вокруг света с Дном Крикадилом в поисках 80 сокровищ", 9 с. "От Турини до Германи".  
17.45 "Романтика романа".  
18.25 Х/ф "Зеленые поместья".  
20.05 Юнелия М. Терехова. "Пития живия".  
21.00 "Новости культуры".  
21.20 Х/ф "Зеркало".  
23.55 "Российский аказ - великие оавия".  
23.45 Д/с "У животного ака свои истории", 5 с. "Сельва".  
00.35 Д/ф "Кино. Первое аию Будды".

07.00 Х/ф "Врпир".  
08.10 М/ф "Закладывающий мальчик".  
08.55 09.20, 09.30, 10.00, 10.30, 11.00, 13.00 М/с.  
13.15 Х/ф "Клиффорда".  
15.05 Х/ф "Матюросс".  
17.00 Слет, вилекс.  
17.30 6 кадрол.  
17.55 Х/ф "Холоутика и "Вонючки".  
19.30 Х/ф "Питий элемент".  
22.00 Х/ф "Отчаянный".  
22.10 "Хорошие шутки".  
02.00 Х/ф "Берлинский роман".  
03.40 Х/ф "Чужая кровь".

07.00 М/ф.  
10.00 Х/ф "Незабываемый апрель".  
12.00 Х/ф "Манон с востонков".  
14.30 Свет и тень.  
14.50 М/ф.  
15.00 Х/ф "Эго не я, это - он!".  
17.00 Х/ф "Я обильно вам луйну".  
19.00 Т/с "Числа", 15 с.  
20.00 Х/ф "Без вестии пропащания".  
22.00 Х/ф "Батровый шпор".  
00.00 Т/с "Стрепидок", 2 с.  
01.00 "Дороже кино".  
01.15 Х/ф "Шарова нахсела".  
03.00 Кулял нахсела.  
06.00 Муз.Реликс.

01.00 М/с "Эй, Арнолд!".  
02.40 19.35 Наил песни.  
03.05 15.00 18.55 21.35 "Дом 2".  
04.00 "Школа ремонта". "Обиес".  
05.00 Бешена Джеография.  
05.30 Т/с "Женская лига".  
06.00 06.30 М/с "Тотали Стайк".  
07.00 "Битва экстрасенсов".  
08.00 Клуб быльце жель.  
09.00 Боевик "Прямая и вняная угроза".  
12.00 "Соматориал. Видеоверсия".  
13.00 Такси в Питере.  
13.30 Т/с "Женская лига".  
14.00 "Необыкновенно по факт".  
"Физическое делгия".  
16.00 "Комеди Клуб".  
17.00 Т/с "Напа Russia".  
17.25 Убойная лига.  
18.25 "Секс" с А. Чезовой.  
19.20 Комедия "Турки".  
22.30 "Москва: инструкция по применению".  
23.00 М/ф "Дикая семьяя Горбиерри".  
00.20 Душие анекдоты на русском.

**О'АБЖЕКСТОН**

5.55 Курсатувлар дастури.  
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
8.00-8.35 "Аборот"  
"Болалар сайраси".  
8.35 "Она Озбекистан ҳақида эртас".  
Бадий филми.  
9.30 "Табарук замин"  
10.10 "Уч бека", Телесернал.  
10.40 "Самарқанд - 2750".  
10.50 "ТВ инфофор"  
10.55 Дунё иқидими.  
11.00 "Аборот".  
11.15 Миллий сериал: "Ҳў, 9-қисм".  
11.55 "Юртим бўйлаб" дастури.  
"Қўйиш ўлкам".  
12.05 "Ҳангин дунё".  
12.25 2007 йил - Иқтисодий ҳимоя йили.  
13.50 "Сўнгги суан". Бадий филми. 1-қисм.  
13.45 "Яндоқ". Фольклор қўшиқлари.  
13.55 Дунё иқидими.  
14.00 "Аборот".  
14.20 "Олам ва одам" дастури: "Ноғулор савдалари".  
15.10 "Шарқ тароналари".  
15.20 Самарқанднинг 2750 йилдаги олдани. "Бойқ Самарқанд", 2-қисм.  
15.40 "Отлар суан - ақиндин кузи".  
"Болалар сайраси".  
16.40 "Эрталар - қишлоққа етаклар".  
17.00 "Аборот".  
17.15 Отин мерос.  
17.20 "Саломатлик" дастури.  
17.40 "Стандарт ва сифат".  
17.55 Миллий сериал: "Тақдир йўллари", 3-қисм.  
18.25 "Минг бир ривоят".  
18.30 "Ҳайдат сари".  
18.50 "Сизнинг ақлоқингиз".  
19.30 Самарқанднинг 2750 йилдаги олдани. "Ўзгали суҳбатлар".  
19.20 Дунё иқидими.  
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.  
20.30 "Аборот" (рус тилида).  
20.05 "ТВ инфофор"  
20.10 "Уч бека", Телесернал.  
20.50 Дунё иқидими.  
21.00 "Аборот".  
21.40 "Ўзбекистон дунё нигоҳида".  
"Самарқанднинг мовий гўлбалари".  
22.00 Миллий кино: "Нотаниш пайгон", 2-қисм.  
22.40 "Қўнғиндам, муҳаббат" (SMS).  
Овоқ берилиш.  
22.50 Миллий сериал: "Ҳў, 10-11-қисмлар".  
00.10-00.15 Тугини навалар.  
"Ўйекидан".  
01.15 Курсатувлар дастури.  
00.20 "Юртим бўйлаб" дастури:  
"Қўйиш ўлкам".  
00.25 "Дунё таомлари".  
00.30 Самарқанд - 2750".  
00.55 Дунё иқидими.  
01.00 "Аборот". Информацион дастур (рус).  
01.30 "Янги кун". Информацион дам оини дастури.  
02.30 "Самарқанднинг мовий гўлбалари".  
02.45 "Паринум".  
03.30 "Ҳўк спортининг 16 фасли".  
03.55 Дунё иқидими.  
04.00 "Аборот". Информацион дастур.  
04.35 "Миритон - 2000".  
04.40 "Минг бир ривоят".  
04.45 "Ўзгали суҳбатлар".  
05.10 Миллий сериал: "Тақдир йўллари", 3-қисм.  
05.40-05.55 Тонгги навалар.

12.50 "Иқидим".  
13.00 "ДАВР".  
13.15 "Бу байрам - барчамизники".  
13.20 "Нафосат олдани". Разом.  
Муҳаммад Фозилнинг иқидими.  
13.30 "Водий дурдонаси".  
14.00 "ЯНГИ КҮН".  
15.00 "Парў", Телесернал.  
15.50 "Иқидим".  
16.00 "ДАВР".  
16.15 Миллий сериал: "Сардор".  
16.45 "Талчи на тароқлар".  
17.00 "Муҳаббатий дунё". Илмий-маърифий сериал.  
17.50 "Етлар симфонияси".  
18.00 "Даврини бола".  
18.15 "Сенини, шойман тур".  
19.00 "ДАВР".  
18.25 "Витаним".  
18.30 "Мўғлоз наво".  
18.50 "Иқидим".  
19.00 "ДАВР".  
19.30 "Муҳаббат ва эхтирос".  
Телесернал (кўнғиндам қисм).  
20.10 "Радионав қўшиқлари".  
20.20 "Етлар навалари".  
20.40 "Бу байрам - барчамизники".  
20.45 "Этларқар".  
20.50 "Иқидими уй". Телесернал.  
21.35 "Дунё таомлари".  
21.55 "Мангуллақ муҳаббатан муҳаббатиде".  
22.00 "ДАВР".  
22.30 "SMS-музыка". Еши ижрочилар тиливи.  
22.50 "Парў", Телесернал.  
23.40 - 23.45 "Таксин".

**ЎЗБЕКИСТОН**

7.30 Курсатув тартиби.  
7.30 "Салом, Тошкент". Қўнғинлар информациони муҳаббат дастури.  
8.35 "Этларқар", Телесернал.  
9.05 "Этларқар - маркет".  
9.25 Дин леткин қаникун: "Пиратские острова", Телесернал. 19-20 сери.  
10.20 "ТВ корис".  
10.25 Ўзбекистон Республикаси муҳаббатидининг 16 йилдаги: "Шўкро".  
10.30 "Музыка SMS".  
10.50 "Улардин".  
11.00 "Иқидим - ревью" (рус).  
11.10 "Интервью" (рус).  
11.20 "ТВ корис" (рус).  
11.30 - 13.10 Кино: "Крутая компания".  
\*\*\*  
17.50 Курсатув тартиби.  
17.55 "Абдура" (рус).  
18.05 "Этларқар - маркет".  
18.30 "Пошта" аборот дастури.  
18.45 Ўзбекистон Республикаси муҳаббатидининг 16 йилдаги: "Шўкро".  
18.50 "Этларқар", Телесернал.  
19.25 "ТВ корис".  
19.30 "Музыка SMS".  
19.50 "Саломат бозини".  
20.00 "Пошта" аборот дастури (рус).  
20.15 "ТВ корис" (рус).  
20.20 "Необуздани Африка".  
Познавательная программа. 10-серия.  
20.50 "Репортаж" (рус).  
21.00 "Жозепа".  
21.30 "Пошта" аборот дастури.  
21.45 "Улардин".  
21.50 "Этларқар - маркет".  
22.10 Ўзбекистон Республикаси муҳаббатидининг 16 йилдаги: "Майрафат фидоилари".  
22.30 "Пошта" аборот дастури (рус).  
22.45 "Кино SMS со эълондан".  
22.50 Кино: "Слуга государя".  
Премьера.  
00.50-00.55 "Ҳайран тузи, шахрим".

**SPORT**

7.00 "Бодуре утро".  
8.00 "Хабарлар" (рус тилида).  
8.20 Мультифилм.  
8.30 "Махлак + +".  
9.30 "Детектив".  
10.00 "Хабарлар" (рус тилида).  
10.20 "15-А" (Академия тенниса) Сернал.  
10.45 "Физелан".  
11.15 "Ринг".  
11.45-12.55 Милли футбол. "Кучилар кубоғи". Ярим финал.  
\*\*\*  
18.00 "Болалар спорт".

18.15 "Муслибий тайм".  
18.30 "Хабарлар" (рус тилида).  
18.55 "Поле чарас".  
20.30 "Чулки тайми". Сернал.  
20.50 "Дамас Рай в прутине". Док.филм.  
21.05 Ўзбекистон Республикаси муҳаббатидининг 16 йилдаги олдани: "Ҳўк спортининг 16 фасли".  
21.30 "Хабарлар" (рус тилида).  
21.50 "Девя семейнин", Сернал.  
22.50 "Ершубурибур".  
00.25 "Тунинга оуду бўлини".

**БИРИНЧИ**

4.00 Телеканал "Доброе утро".  
8.00 11.00 14.00 Новости.  
8.05 Телеканал "Доброе утро".  
Продолжение.  
8.30 "Махлак + +".  
9.30 "Контрольная закупка".  
10.00 "Агент национальной безопасности". Т/с.  
11.15 "Моялдин приговор".  
12.25 "Детектив".  
13.00 Дунё иқидими.  
13.25 "Фанелла".  
14.15 "Пошта. Простит".  
14.50 "Лалита. Без комплексов".  
15.55 "Федеральный судья".  
17.00 Вечерние новости.  
17.15 "Пусть говорят".  
18.00 "Глянцевый день". Т/с.  
18.55 "Поле чарас".  
20.00 2.00 Время.  
20.25 "Принт комедиянт".  
22.10 Проклочивший фильм.  
"Идентификация Берна".  
0.10 Триллер "В ночь".  
2.25 Триллер "В ночь". Продолжение.  
2.35 Х/ф "Военные потери".  
4.25 "Звезда эфир".

**РОССИЯ**

04.00 "Доброе утро, Россия".  
07.00 "Мой серебряный шар. Инна Макарова".  
07.55 "Муслимане".  
08.05 Т/с "Корги".  
09.45 "Вести. Дежурная часть".  
10.00 13.00 16.00 19.00 "Вести".  
10.30 13.20 18.40 "Местное время".  
Вести - Москва".  
10.50 "Суд идет".  
11.50 М/с "Том и Джерри. Легкие кеды".  
12.35 М/ф "Ну, погоди!".  
13.40 Детектив "Черный принц".  
13.50 "Кулагин и партнеры".  
16.20 "Местное время. Вести - Московская область".  
16.40 "Комната смекалки".  
17.40 Т/с "Ангел-хранитель".  
19.45 "Спокойной ночи, малыши!".  
19.55 Театр Е. Петровска "Кривое зеркало".  
22.25 Х/ф "Школьные друзья".  
01.10 Х/ф "Красная планета".  
01.30 2.00 Т/с "Возвращение Мухомора".  
03.40 Т/с "Встреча выпускников".

**HTB**

00.00 "Сезона утром".  
02.10 Т/с "Золотые яйца".  
03.05 Т/с "Театр обреченных".  
04.00 07.00 10.00 13.00 "Сезона".  
04.20 "Особо опасен".  
04.55 Т/с "Косвенные улики".  
07.30 Т/с "Тонгине".  
08.30 Т/с "Молодой волкодав".  
09.30 "Спасатели Обдор".  
10.30 20.20 Т/с "Возвращение Мухомора".  
12.30 "Чрезвычайное происшествие. Обзор".  
13.40 "Следствие велит...".  
14.40 Х/ф "Властелин копей. Братство калына".  
18.00 Комедия "Отпугивание мошенников".  
21.15 Т/с "Аэропорт".  
22.05 М/с "Альф Г".

**КУЛЬТУРА**

05.30 Кино: "Европосен".  
09.00 18.30 22.30 "Новости культуры".  
09.20 00.50 Программа передач.  
09.30 16.40 Т/с "Удивительный мир растений", 3-4. "Пинош".

10.00 Х/ф "Романтики".  
11.20 М/с "Госпиталь Хилтон".  
11.50 Д/ф "Обыкновенные вещи".  
12.05 "Нобелевские лауреаты". П. Катинян, в. 2.  
12.45 "Неизвестные Петергоф".  
13.10 Д/ф "Неоконченное ЧП".  
13.40 Т/с "Давид и Вустер", 15 с.  
13.50 Д/ф "Аско. Прелюдие рай".  
14.50 Д/ф Д/ф "Игорь Моисеев. Я вспоминаю... гастроль днюно в жизни". Фильм 5.  
15.20 Х/ф "Новые приключения Дони и Микки".  
16.25 М/ф "Тараканчик".  
17.10 "Фантазия на тему "Собаки".  
18.00 "Разведка, о которой знали немцы...". Б. Буров.  
18.45 "Свой взгляд. Фабрика ширвакых грэ".  
19.05 Х/ф "Начальник Чукотки".  
20.35 00.55 "Сфера".  
21.15 "Его величество конферансье Борис Бруно".  
22.00 "Борис Пастернак: раскованный голос". Пер. 4. Доктор Живаго".  
22.55 Х/ф "Белочечко-10", 2 с.  
00.35 Трио Х. Хонкоа.  
01.35 Д/ф "Голубые купола Самарқанд".

**СТС**

07.00 Т/с "Школа "Черная дыра".  
07.30 М/ф "Чулка в ризете".  
07.55 14.30 15.00 15.05 15.30 16.00 М/с 08.00 19.00 6 кадров.  
08.30 10.30 18.00 Т/с "Моя прекрасная няня".  
09.00 21.00 Т/с "Донки-матери".  
11.00 19.30 Т/с "Кто в доме хозяйка?".  
12.00 Т/с "Бездомный вояж".  
13.00 Т/с "Слава".  
13.30 "Загадочные места".  
16.30 "Приключения Тома и Джерри".  
17.00 Т/с "Лиззи Магуайер".  
17.30 "Танго".  
22.00 Х/ф "Пятый элемент".  
00.30 Х/ф "Убийства в Черри-Фолде".  
02.20 Х/ф "Новая Франция".  
04.45 Х/ф "Карающая сила".

**MTB3**

07.00 Победоносный голос.  
07.30 М/ф.  
10.00 Х/ф "Кинга истории".  
12.00 Х/ф "Баскетбольная лихорадка".  
14.00 19.00 Самые смешные моменты жизни.  
14.30 19.30 Рациональная жизнь.  
15.00 Т/с "Линия жизни", 8 с.  
16.00 Т/с "Одна тепа на двоих", 4 с.  
17.00 Х/ф "Лучший день в моей жизни".  
20.00 Х/ф "Огерь".  
22.00 Х/ф "Цель".  
00.00 Т/с "Байка из скелета", 5 с.  
00.30 Х/ф "Куб".  
02.30 Т/с "Байка из скелета", 4 с.  
03.00 Кулы наличности.  
06.00 Муз. Веласко.

**THT**

23.45 Т/с "Любовь и тайны Санкт Бит".  
00.50 07.30 13.00 Такси.  
00.55 "Глобальные новости".  
01.00 13.30 Москва: инструкция по применению.  
01.30 "Соперничание. Видеовестри".  
02.20 Спид. Скофр. помош.  
02.50 Нани пещи.  
03.00 Нани пещи на помоях.  
04.00 12.00 Т/с "Счастливы вместе".  
05.00 М/с.  
08.00 Т/с "Саша+Маша".  
09.00 15.00 18.55 22.15 "Дом 2".  
10.00 Комедия "Южные моря".  
14.00 "Необяснимо, но факт". "Люди Икс 2".  
16.00 "Комеди Клуб".  
17.00 Т/с "Hanni Russia".  
17.25 "Смех без правды".  
18.25 "Секс" с А. Чеховой.  
19.25 "Необяснимо, но факт".  
20.25 Комедия "Женский мир".  
23.10 Лучшие анекдоты из России.



6.55 Дастирини очилани.  
7.00 "ЯНГИ ТОН".  
8.30 "Даврини бола".  
8.15 "Сенини, шойман тур".  
Мультифилм.  
8.25 "Болалар табасуни".  
8.30 "Галатсия" маърифий дастури.  
8.40 "Муҳаббат ва эхтирос". Телесернал.  
9.50 "Иқидим".  
10.00 "ДАВР".  
10.15 "Витанин байрам".  
10.20 "Интервью".  
11.50 "Союз халқати хабарлари".  
12.00 "SMS-музыка". Еши ижрочилар тиливи.  
12.10 "Иқидими уй". Телесернал.

**ФАН-ТЕХНИКА ВА МАРКЕТИНГ  
ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ  
ЖАМОАСИ**

Ватандошларимизни  
Мустақилликнинг 16 йиллиги билан  
самимий қутлайди.




Сизларга мустаҳкам соғлиқ,  
бахт-саодат тилаймиз.

**Байрам муборак бўлсин, азизлар!**

**“O‘ZBEKTELEKOM” AK  
“СИРДАРЁ ТЕЛЕКОМ”  
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Мамлакатимиз халқини  
энг улуг байрам —  
Истиқлол айёми билан  
чин юракдан муборакбод этади.



**ЮРТИМИЗ ТИНЧ, МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ  
АБАДИЙ БЎЛСИН!**

**“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ  
ЖИЗЗАХ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Юртдошларимизни  
улуғ айём —  
Истиқлолнинг  
ўн олти йиллиги  
билан самимий  
табриклайди.

Ушбу шукуҳли кунларда  
барчангизга тинчлик,  
хотиржамлик, хонадонингизга  
кут-барака тилаймиз.

**Мустақиллигимиз абадий бўлсин!**

**“O‘ZIMPEKSALOQA” YAJ  
ЖАМОАСИ**

Барча ҳамюртларимизни  
Мустақиллик куни билан  
муборакбод этади.



Истиқлол руҳи  
орзуларимизга  
қанот, аҳиллигимизга  
қувват ато этаверсин.

**Юртимиз тинч,  
осмонимиз мусаффо бўлсин!**

**O'ZBEKISTON TELEKOMMUNIKATSIYA TARMOQLARINI  
BOSHQARISH RESPUBLIKA MARKAZI JAMOASI**

Жонажон юртимиз фуқароларига  
ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ **16**  
ЙИЛЛИГИ муносабати билан  
самимий тилакларини йўлайди.

*Истагимиз —  
юртимиз доимо тинч,  
осмонимиз мусаффо бўлсин.*

Байрамлар байрамларга уланаверсин!

**“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ МОБАЙЛ”  
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Улуғ халқимизни, шунингдек,  
алоқачи ходимларни

**Мустақилликнинг  
16 йиллиги**  
билан табриклайди.

Барчангизга юрт истиқболи  
йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда  
улкан зафарлар ёр бўлсин.

Байрамингиз қутлуг бўлсин!

**“O'ZALOQAKONSALTING” МЧЖ ЖАМОАСИ**

**ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИ  
МУСТАҚИЛЛИК КУНИ БИЛАН  
САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ.**

Қадрли ҳамюртлар!  
Шундай улуғ ва муборак кунда  
сизларга табрик  
йўлаётганимиздан мамнунмиз.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗЛАР!

**“ЎЗБЕКISTON ПОЧТАСИ” ОАЖ  
НАВОИЙ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Барча ватандошларимизни  
ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш  
соҳаси ходимларини

**ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 16 йиллиги билан**  
муборакбод этади!

Сизларга сиҳат-саломатлик  
омад ҳамда Ватан ободлиги,  
гуллаб-яшнаши йўлидаги  
бунёдкорлик фаолиятингизда  
зафарлар тилаймиз.

Байрам шукӯҳи доимий ҳамроҳингизга айлансин!



Қаерга қараманг, одамларнинг шукроналик туйғуларини кузата-сиз. Ҳар бир киши ҳаётида муста-

**Шахрисабз шаҳри тарихий, шунинг билан бирга замонавий шаҳардир. Кўчаларимиз кенг ва ёруғ, кишиларимиз дилкаш, қизларимиз лобар, йигитларимиз ўқтам.**

## ИСТИҚЛОЛИМ, ИСТИҚБОЛИМ!

қилликнинг ўзига хос ўрни, аҳамияти бор.

Мустақиллик туфайли хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни, фаоллиги ошди. Кадр-қиммати янада кўтарилиб, иқтисодиётнинг барча тармоқларида, халқ ҳўжалигининг ҳар соҳа-ю, ҳар жабҳасида муносиб хизмат қилиб келмоқдалар.

Мен «Қашқадарё Телеком» филиалининг вилоятдаги телекомму-

никациялар боғламасида бош ҳисобчи вазифасида ишлаётган ягона аёл эканлигимдан, истиқлол берган имкониятларни аввало оиламда, фарзандларим камолида, жамомамиз эришяётган ютуқларда кўраётганлигимдан фахрланаман.

**Ойнисо БОҚИЕВА,**  
**Шахрисабз телекоммуникациялар боғламаси бош ҳисобчиси**

## ЎЗГАРЛОВ!

**Аъзамжон ОЧИЛОВ,**  
**Қашқадарё вилоят «Матбуот тарқатувчи» МЧЖ хабарчиси:**

— Ҳар бир халқнинг, ҳар бир давлатнинг орзиқиб кутиладиган, шодиёналик билан тантана қилинадиган байрамлари йўлади. Ўзбек халқининг ҳам шундай байрамлари кўп, уларнинг ҳар бири ўзига хос мазмун-моҳиятга эга.

Энг азия ва муқаддас — Мустақиллик байраминини нишонлашимизга ҳам санокли кунлар қолди. Одат тусига кириб бораётган анъаналаримизга кўра, ҳар бир корхона ва ташкилот, меҳнат жамоалари байрам совғаларини тайёрламоқда. Биз меҳнат қилаётган «Матбуот тарқатувчи» МЧЖ ходимлари ҳам истиқлол байраминини шоду хуррамлик билан қарши оляпти. Жорий йилда жамиятимиз ишчи-ходимлари Бухоро ва Хива шаҳарларида саёҳатда бўлдилар. «Энг яхши хабарчи», «Энг яхши газета дўкони сотувчиси», «Энг яхши обуна ишлари йўриқчиси» номинациялари бўйича танловлар ўтказилди, уларнинг меҳнати муносиб тақдирланди. Бундан ташқари, етти нафар жамиятимиз хабарчисига ўяли алоқа телефони совға қилинди. Корхонамизда узок йиллар меҳнат қилган ишчи-ходимлар ҳолидан хабар олиш, уларга ёрдам кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Ижтимоий ҳимоя йилида бу каби хайрли ишларнинг кўлами янада ортди.

Сараловчи Дониёр Рашидов, хабарчи Зокир Жўраев, Илхом Жумаев, чакана савдо бўлими йўриқчиси Бобур Қувонювлар, айниқса, меҳнатда ўрناق кўрсатётганлардан саналади.

«Xabar» газетаси саҳифаларида алоқачи ходимларнинг фахр туйғулари баён этилган хатларини мунтазам кузатиб бораёلمиз. Фурсатдан фойдаланиб, газета орқали ҳамкасбларимизнинг ишларига ривож тилаб, тобора яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами барчага муборак бўлсин, дейман.

2007-YIL — IJTIMOYIY HIMOYA YILI

## Меҳр карвони

**Самарқанддан Бухорога қараб йўлга чиққан меҳр карвони автобусларидан тўрттаси Навоийда тўхтади. Навоий шаҳри марказида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ажратилган автобусларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

Бу шубҳасиз, «Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури» доирасида вилоятдаги Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тарбияланувчиларнинг яшаш ва таълим олиш шароитларини яхшилаш, боқувчисини йўқотган болаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, «Сен ёлғиз эмассан» инсонпарварлик шиорини ҳаётга татбиқ этиш борасида олиб борилаётган ишлар кўламини кенгайтиришнинг яна бир ёрқин намоиши бўлди.

Тантанали маросимда вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Самадов Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйи, Зарафшон шаҳридаги «Шодлик» меҳрибонлик уйи, Кармандаги 25-махсус мактаб-интернат, Қизилтепа туманидаги 36-махсус мактаб-интернатга «Самавто» автобуслари қалитларини топширди.

Шундан сўнг болаларнинг қувончу шодликларига Кармандаги 25-махсус мактаб-интернат қошида ташкил этилган «Гулгунчалар» ансамбли иштирокидаги концерт дастури ҳамоҳанг бўлди. Хайрли меҳр карвони бахтиёр болажонларни олиб, ўз манзиллари томон йўлга тушди.

**Маруса ҲОСИЛОВА,**  
**«Хабар»нинг Навоий вилоятидаги мухбири**

## Бахтга тўлиқ кун

**Мен аскар онасиман — гурурим кексиз. Ўғлим Давронбек коллежни битириб, Фаргона шаҳар ТТСда оператор, меъёрловчи муҳандис бўлиб ишлади.**

Касб сирларини тезда эгаллаб олаётганидан хурсанд эдим. Лекин қутилимагандан армияга кетаманга тушиб қолди. Битта ўғилсан-ку, деганимизга қулоқ солмади. Нуқул «Армияда йигитларнинг сараси хизмат қилади», дейди. Хуллас, ялиниб-ёлворишимга қарамасди. Дадаси ҳам «Бунинг учун фақат фахрланиш керак. У ахир Ватан ҳимоячиси бўлади-ку» дея Давронбекнинг тарафини олди. Шундай қилиб ўғлимизни кузатдик. Дастлабки кунларда анча қийин бўлди. Ҳеч кимга билдирмай йиғлаб ҳам юрдим. Май ойида ўғлим хизмат қилаётган қисм асқарларининг қасамёб қабул қилиш кунига — Қашқадарёнинг Таллимаржонига акам билан бориб тантанада иштирок этдик. Дарҳақиқат, бу кун бизлар учун бахт-саодатга тўлиқ кун бўлди. Ўғлим чиқиб Ватанимиз байрогини ўлаётганида кўзларимга ёш тўлди. Ана шу сонияларда Ватан туйғусини янада чуқур хис этиб, юрагим гулпилаб ура кетди. О, она Ўзбекистоним, сени қанчалар яхши кўраман-а! Мана, менинг ўғлим ҳам марду майдон асқарларининг сафида. Яхшиямки ўғлим хизматга келгани, акс ҳолда мен аскар онаси бўлиш бахтини ҳеч қачон юракдан туймас эдим.

Ҳозир ўғлим Қаршида. Тез-тез қўнғирок қилиб «Хизматлар зўр. Сиз фақат дуо қилинг, онажон!» — дейди қувнок ва кўтаринки овозда. Ўғил ўстириб, Ватан ҳимоясига юборишнинг ҳам ўзига яраша масъулияти ва шодликлари бўлар экан. Бунинг не эканлигини аскар оналаридан сўранг.

**Тўрғуноий ТЕШАБОВА,**  
**«Фаргона Телеком» филиали марказлашган ходимлар бўлими катта нозир**

## Қулайлик

**Кейинги йилларда тоғолди Сўх тумани аҳолисига алоқа хизмати кўрсатиш ишлари тобора яхшиланиб, қишлоқларда истиқомат қилувчиларга кўплаб қулайликлар яратилмоқда.**

Жумладан, қишлоқ жойларида сўзлашув масканлари ташкил этилган. Тумандаги «Навобод» маҳалла фуқаролар йиғини биносидан ҳам ҳудди ана шундай сўзлашув маскани мавжуд. Бу ерга ташриф буюраётган миждозларга алоқачи Пайравжон Шеров кўнгилдагидек хизмат кўрсатаётир. Сўзлашув маскани хизматидан аҳоли, туман марказий шифохонаси ходимлари, ҳарбий қисмдагилар фойдаланишмоқда.

**Асқарбек АНБАРЖОНОВ**

## МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ



Марғилон шаҳридаги «Ёшлик» сув спорти мактаби.

## Сарҳисоб

2007 йилнинг биринчи ярмида филиал томонидан 1379592 минг сўм миқдоридан даромад олиниб, бу борадаги кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан 145,2 фоизни ташкил этган. Пул ўлказмалари ва жўнатмалар, обуна, чакана савдо ва турли хил тушумлар йўналишидаги хизматларга доир режалар ууддаланган, аммо хат-хабарлар, пенсия пулларини етказиш, телеграммалар, шаҳарлараро сўзлашув кўрсаткичлари режада белгиланган даражага етказилмаган. Жумладан, Зафар, Пискент, Паркент, Янгибозор, Тўйтепа, Дўстобод, Келес, Гулбаҳор, Зангиота почта алоқаси тармоқларида асосий хизмат тур-

ларининг умумий даромаддаги улуши камайиши кузатилган.

Филиал почта алоқаси тармоқлари телекоммуникация, коммунал ҳамда бошқа хизматлар бўйича дебитор қардорлик тўловларини йиғишда ҳам иштирок этмоқда. 2007 йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида ушбу йўналишдаги хизматлардан 419,3 млн. сўм даромад олинган.

«Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури» доирасида ходимларга ва корхонада ишлаган пенсионерларга 45031425 сўм миқдоридан ижтимоий ёрдам кўрсатилган. Шунингдек, 360 минг сўм маблағ алоқа бўлимларини турли спорт анжомлари билан таъминлашга ажратилган.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Собит АҲАДОВ,**  
**«Хабар» мухбири**

# Махририятга мактуб



## AKS-SADO

### САБАБИНИ ШУНДОН...

Ассалому алайкум, хурматли "Xabar" ижодкорлари! Авваламбор, газетангизда кутарилаётган мавзуларни ўқиб, сизлар каби соҳамиз жонкуярлари борлигидан беҳад миннатдорман.

Сизларга Аллоҳдан муштакам соғлиқ, ижодий ишларингизда баркамоллик тилайман.

Газетанинг 23-сонидаги "XXI аср электрбоси" мақоласини ўқиб, ўн йилдан кўпроқ вақт мобайнида безовта қилиб келган бош оғриги, хотира сустлашиши, ташналик, қулоқдаги шовқинларни келтириб чиқарган электромагнит майдон таъсири эканлигини тушуниб етдим. Олдинга радиотелефонларнинг кириб келиши, кейинчалик алоқа уйи томида ўрнатилган 2та уяли, 1та РР антеннасининг электромагнит майдони таъсири бугунги кунда ҳам соғлигимга салбий таъсир кўрсатаётганлигини тушундим.

Хурматли тахририят ходимлари, сизлардан илтимос, асримиз электрбосидан бугунги кунда қутулиш чоралари, соғлиқнинг қай даражада йўқотилганлигини аниқлаш, тиклаш масканлари, у жойларга қандай ва қайси ташкилот кўмагида бориб, шифо топиш имконлиги тўғрисида соҳамиз касабга уюшмаси кўмитаси ва шифокорлар билан ҳамкорликда газетангизда ёритсангизлар. Алоқа соҳасида ишлаётган менга ўхшаб ўзи билмаган ҳолда "Электромагнит синдром" деган дардга чалиниб юрган ҳамкасбларимизга ўз соғлиқларини тиклаб олишда жуда катта ёрдам қилган бўлур эдингизлар.

**Х. ЭШОНҚУЛОВ,**  
"Қашқадарё Телеком"  
филиали, Чироқчи телекоммуникациялар боғламаси муҳандиси

## МУННАТДОРЛАР

Маълумки, 1 август куни республикамизнинг барча олий ўқув юртига кириш имтиҳонлари бўлиб ўтди. Мен ҳам Тошкент ахборот технологиялари университети Фаргона филиалида ўқиш учун кириш имтиҳонини топширдим. Имтиҳон якунлангандан сўнг филиал раҳбари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари сафида намунали ҳарбий хизматни ўтаб тавсияномага эга бўлган 31 нафар мен каби йигитларни тўплаб маъруза қилди. Яна бир бор, бу тавсиянома аҳамияти тушунтирилди. Мен бундан жуда хурсанд бўлдим.

Шу боисдан, энг аввало, биз ҳарбийларга бундай шароит яратган, бизларни комил инсон бўлиб етишишимизга ишонч билдирган хурматли Президентимизга миннатдорчилик билдираман.

Шу жумладан, мен хизмат бурчимни ўтаган Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги 15361-ҳарбий қисм — Махсус авария-тиклаш бошқармаси раҳбарларига, мени шу тавсияномага муносиб деб билганлари учун раҳмат айтаман.

**Зиёҳиддин ЎКТАМОВ,**  
Фаргона вилояти

## OMONMISIZ, QADRDONLARIM?

### ДИЙДОР ШИРИН

"Хабар"да ҳамкасбларимдан бирининг соғинч мактубини ўқиб ўн йил бир синфда ўқиган, бир партада ўтирган синфдошлар бир-бир кўз ўнгимдан ўтди.

Баъзан шўхлик қилсак синф раҳбаримиз Роза Ҳайдарованинг ўқувчилик йиллари умуман қайтарилмайди, эртага мактабни тугатсангиз яна шу мактаб парта-сига қайтиб ўтирмайсиз, деган сўзлари нақадар ҳақиқат экан.

Шахрисабз туманидаги собиқ Телман, ҳозирги Янги ҳаёт номили 9-ўрта мактабни 1984 йилда тугатдим. Синфдошлар жуда аҳил ва иноқ эди. Ҳар бир байрам тадбирларида фаол иштирок этардик. Мавлуда Чориева, Дилфуза Мансурова, Муяссар Остонова, Шухрат Ҳусанов, Шухрат Жовлиев каби синфдошларим билан бир оиланинг фарзандлари сингари эдик. Қани ўша ўқувчилик йилларим, қаердасиз синфдош дўстларим, она каби азиз ва меҳрибон устозларим?! Баъзиларингизни кўрмаганимга қанча йиллар бўлди. Омонмисиз, қадрдонларим?

Мактабни тугатганимдан буён алоқа соҳасида меҳнат қилиб келяп-



ман. Оилалиман, уч нафар фарзанднинг онаси-ман.

Ҳақиқатан ҳам инсон ўз умри давомида синфдошлари, курсдошлари, ҳамкасблари даврасида бўлади. Бироқ ҳаётингиздаги энг қувончли кунларда синфдошларингизни интизорлик билан кутасиз. Улар билан қанчалик кўп сўхбат қурманг, барибир

зерикмайсиз. Синфдошларим билан учрашганимда мени ҳам ёшлик деб аталмиш беғубор туйғулар чулғаб олади. Шу дамларни эсласам, шоирнинг куйидаги мисралари ёдимга тушаверади:

**Йўлимга гуллардан бўлса пойандоз  
Узатсам кўкларга етса-да кўлим.  
Энг қувончли кунда ҳам кўзда ёш билан  
Сени соғинаман, ўқувчилигим.**

"Хабар" дийдор саҳифасини ташкил этганидан гоё миннатдорман. Зеро, ёру биродарлар, синфдошлар, ҳамкасблар олис-олис манзилдаги кишилари билан газета орқали дийдорлашсин.

**Гулчехра СУЛАКАЕВА,**  
Шахрисабз телекоммуникациялар боғламаси 3-АТС оператори

## АЛОҚАЧИ ЛУФАТИ

● Ахборот-коммуникация технологиялари, АКТ (ru — технологии информационно-коммуникационные, ИКТ; en — information communication technologies) — 1. Хусусий, умумий ва ишлаб чиқариш коммуникациясидаги ахборотларни тайёрлаш, қайта ишлаш ва элтиб бериш билан боғлиқ бўлган объектлар, ҳаракатлар ва қоидалар, шунингдек барча технологиялар ва санаб ўтилган жараёнларни интеграл равишда таъминловчи соҳалар тўплами.

Изоҳ — АКТ тушунчасига микроэлектроника, компьютерлар ва дастурий таъминотни, телекоммуникацияларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш, Интернетга киришни таъминлаш, Интернетнинг ахборот ресурсларини таъминлаш, шунингдек фаолиятнинг санаб ўтилган соҳалари билан боғлиқ бўлган турли хил маданий феноменлар ва фаолиятнинг бу соҳаларини тартибга солувчи қоидалар (расмийлари каби норасмийлари ҳам) киратади.

2. Ахборотни яратиш, узатиш, ишлов бериш ва бошқариш билан боғлиқ бўлган технологиялар.

● Ахборот технологиялари (ru — технологии информационные; en — information technologies) — 1. Ахборот жараёнларини амалга ошириш моделлари, усуллари, услублари ва воситаларининг тизими.

2. Ахборотларни йиғиш, тўплаш, сақлаш, қидириш, ишлов бериш ва топшириш усул ва услубларининг тизими.

3. Ахборотларни йиғиш, сақлаш, ишлов бериш ва тарқатиш учун фойдаланиладиган усуллар, қурилмалар ва ишлаб чиқариш жараёнларининг мажмуи.

● Электрон маълумотлар (ru — данные электронные; en — electronic data) — 1. Электрон воситалар ёрдамида шакллантириладиган, ишлов бериладиган, сақланадиган, жўнатиладиган ва олинладиган маълумотлар.

2. Электрон, оптик ёки ўхшаш воситалар ёрдамида маълумотларнинг электрон алмашуви, электрон почта, телеграф, телекс ёки телефакс ва бошқаларни қўшган ҳолда тайёрланган, жўнатиладиган, олинган ёки сақланган ахборот.



## YANGI NASHRLAR

### ТЕЛЕВИДЕНИЕГА ОИД

#### РУСЧА-ЎЗБЕКЧА ИЗОҲЛИ ЛУФАТ

Шу номдаги китоб **Фан-техника** ва **маркетинг тадқиқотлари** марказининг **Атамашунослик** ва **луғатлар хизмати** томонидан **босмадан** чиқарилди.

Телевидение буйича атама ва таърифлар луғати республикамизда биринчи марта яратилмоқда. Ушбу луғат техника фанлари доктори, профессор М. Муҳитдиновнинг умумий тахрири остида ишлаб чиқилди ҳамда техника фанлари номзоди, доцент Ш. Тажидбаев, Ё. Аҳмедова, Ш. Тулаганов, Р. Воҳидовалар томонидан тайёрланди.

Луғат эшиттириш телевидениеси, рақамли телевидение,

йўлдошли телевидение, кабелли телевидение, тунги кўриш телевидениеси, махсус мақсадлардаги телевидение тизимлари ва воситалари, ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, акс эттириш ва таҳлил қилиш воситаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш буйича, шунингдек, оптика, физикага оид қатор атамаларни ичига олади.

Луғат алифбо тартибда жойлаштирилган, 1600дан

ортиқ рус тилидаги атама ва таърифларни ҳамда уларнинг ўзбек тилидаги муқобилларини, шунингдек, атамаларнинг инглиз тилидаги ифодасини ўз ичига олади. У 336 бетдан иборат.

Луғат алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ишловчи, ўз фаолиятида мамлакатимизда ва хорижда ишлаб чиқилган норматив-техник ҳужжатлардан фойдаланадиган муҳандислар, илмий-техник ходимлар, шунингдек, олий ва ўрта махсус ўқув юртиларининг ўқитувчилари, аспирантлари ва талабалари учун мўлжалланган. Луғат наشريёт ходимлари, таржимонлар ҳамда дарслиқлар ва ўқув қўлланмалари тайёрловчи муаллифлар учун ҳам фойдалидир.



ТЕЛЕВИДЕНИЕГА ОИД  
РУСЧА-ЎЗБЕКЧА  
ИЗОҲЛИ ЛУФАТИ  
РУССКО-ЎЗБЕКСКИЙ  
ТОЛКОВЫЙ СЛОВАРЬ  
ПО ТЕЛЕВИДЕНИЮ

**МУАССИС:**
**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ**
**Бош муҳаррир:**  
**Абдусайд КҮЧИМОВ**
**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
**Абдугани АБДУРАҲМОНОВ**  
**(Бош муҳаррир ўринбосари)**  
**Бахтиёр КУБЕЕВ**  
**Шомансур ОБИДХҲҲЖАЕВ**  
**Миродил САНГИЛОВ**  
**Шухрат СОДИҚОВ**  
**Лутфилло ТУРСУНОВ**  
**(масъул котиб)**  
**Асаджон ХҲҲЖАЕВ**  
**Рустам ҚОСИМОВ**  
**Содиқжон ҚОСИМОВ**
**Газета**  
**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.**
**МАНЗИЛИМИЗ:**
**100060, Тошкент-60,**  
**Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.**  
**Тел.: 133-36-48; 136-35-29.**  
**Факс: 136-36-42.**  
**E-mail: orif@infonet.uz**

 Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.  
**Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланishi мумкин.**
**Наширимиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги қўрсатилиши шарт.**  
**Тижорий материал —** **Реклама матнларининг тўғрилик-гига таҳририят жавобгар эмас.**  
**Рақам ва дилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.**  
 Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.


**"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси**  
 босяхонасида чоп этилди.  
**Манзил:** Тошкент шаҳри,  
 "Буёқ Турон" кўчаси, 41-уй.

 7556 сонли буюртма.  
 Ёрсет усулида босилди.  
 Қўғоз бичими А-3, ҳажми  
 4 босма табақ,  
 Адади: 7881 нуска.

 Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
 Саҳифаловчи: **Аслиддин БҲҲРИЕВ.**  
 Матн терувчи: **Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.**
**Ахборот ҳамкоримиз:**  
**ZINIFOCOM маркази.**

 Босишга топширилди — 20.00.  
 Босишга топширилиши вақти — 20.00.

## УКРАИНА – ЎЗБЕКИСТОН: ТАРКИБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ


**Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Рауф Инилеев 22 август куни Украина терма жамоасига қарши кечадагиган ўртоқлик учрашувига 18 нафар футболчилни жалб қилди.**

Химоячилар: Хайрулла Каримов («Машъал»), Анвар Ғофуров («Машъал»), Илхом Суёнов («Пахтакор»), Бахтиёр Ашурматов («Курувчи»), Исломо Иномов («Пахтакор»).

Ярим ҳимоячилар: Тимур Кападзе («Пахтакор»), Ҳамза Каримов («Машъал»), Жасур Ҳасанов («Курувчи»), Ринат Байрамов («Пахтакор»), Сервер Жепаров («Пахтакор»), Виктор Карпенко («Курувчи»), Ҳикматжон Ҳошимов («Насаф»).

Ҳужумчилар: Максим Шацких («Динамо», Киев), Улғубек Бақоев

(«Тобол», Қозоғистон), Александр Гейнрих («Пахтакор»), Павел Соломин («Сатурн», Россия)

Украина миллий терма жамоаси бош мураббийи Олег Блохин ҳам ушбу баҳсда иштирок этадиган футболчилар рўйхатини эълон қилди. Украина терма жамоаси таркибида Англия премьер-лигаси вакиллари Андрей Шевченко ва Андрей Воронин, Россия премьер-лигасида тўп сурувчи Анатолий Тимошук ва Максим Калинин каби тажрибали легионерлар ҳам бор.

Олимпия терма жамоаси аъзолари бу рўйхатдан ўрин олмаган. Чунки улар айнан шу куни Пекин-2008 саралаш доирасида Корея Республикасига қарши сафарда тўп суришди. Шунинг учун терма жамоа сафида бошқа футболчиларни ҳам синаб кўриши имконияти туғилди.

Дарвозабонлар: Игнатий Нестеров («Пахтакор»), Павел Бугало («Курувчи»).

## СЎНГИ ТУР ОЛДИДАН

Пойтахтимиздаги "Қушбеги" спорт залида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Республика алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кенгаши кубоги учун мини-футбол бўйича Тошкент шаҳри ҳудудий-минтақавий мусобақасининг тўртинчи тур ўйинлари ўтказилди.

**"А" гуруҳи**

 ДАИ – Матбуот таркатувчи – 1:5  
 ТАТУ – ФТМТМ – 9:3

**"В" гуруҳи**

 РРТМ – ТошТТС – 6:10  
 ШАК – Ўзбекистон почтаси – 9:5  
 ЭМММ – Мониторинг маркази – 10:1

**"С" гуруҳи**

 Алоқа коллежи – ТШТТ – 1:17  
 Тошкент почтамати – ДФХ – 2:8  
 ЎЗНЕТ – ЮНИТЕЛ – -:+

Мусобақа якунига яна бир тур қолган бўлса-да, ТАТУ, ШАК ва ТошТТС жамоалари финал йўлланмасини қўлга киритиб улгурди. Сўнги турда "А" гуруҳида Алоқа-банк ва ФТМТМ ҳамда "С" гуруҳида ЮНИТЕЛ — ДФХ ўртасидаги учрашув шиддатли кўриниш олиши кўтилмоқда. Чунки ушбу баҳсларда галаба қозонган жамоалар кейинги босқич масаласини ҳал қилади.

## ЗЕЙТУЛЛАЕВ "ВЕРОНА"ДА

Ўзбекистон терма жамоаси ярим ҳимоячиси Илбос Зейтуллаев Италия "С" серияси вакили "Верона" билан уч йиллик шартнома имзолади.

Бу Илбоснинг Италиядаги олтинчи жамоасидир. Бунгача у "Ювентус", "Реджина", "Кротоне", "Женоа" ва "Виченца" клубларида тўп сурган.

 Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази жамоаси марказ бўлим бошлиғи Муборак Рустамовага волидаи муҳтарамаси **КИМЕ** аяннинг вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

 "Xabar" газетаси жамоаси газетанинг Сирдарё вилоятидаги муҳбири **Равшан ШОДИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, қариндошларига чўқур таъзия билдиради.

## ОЛИМПИАДАЧИЛАРИМИЗ ҲАМ КУРАШГА ШАЙ

Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси 22 август куни Олимпиада-2008 саралашининг учинчи босқичи доирасида корейлик тенгдошларига қарши майдонга тушади. Шу муносабат билан 16-22 август кунлари ўтадиган ўқув-машғулот йиғинларига жалб қилинган футболчилар номи эълон қилинди.

Вадим Абрамов рўйхатидан "Слован" (Словения) аъзоси Азиз Ибрагимовдан ташқари деярли барча етакчи футболчилар ўрин олган.

 Дарвозабонлар: Азиз Ашуров («Трактор»), Элдор Тожибоев («Шўртан»).  
 Химоячилар: Ахром Рискўлаев («Навбахор»), Александр Клецов («Пахтакор»), Баҳром Йўлдошев («Трактор»), Саҳоб Жўраев («Курувчи»), Анзур Исмоилов («Пахтакор»).

Ярим ҳимоячилар: Музаффар Умрзоков («Навбахор»), Одил Аҳмедов («Пахтакор»), Вағиз Галиулин («Рубин», Россия), Собир Усмонхўжаев («Шўртан»), Садриддин Абдуллаев («Самарқанд-Динамо»), Шавкат Саломов («Курувчи»), Азиз Ҳайдаров («Курувчи»), Виталий Денисов («Днепр», Украина), Вадим Афонин («Рубин», Россия).

Ҳужумчилар: Шаҳбоз Эркинов («Пахтакор»), Фарҳод Тожиев («Самарқанд-Динамо»), Камолiddин Мурзоев («Динамо-2», Украина), Анвар Ражабов («Бухоро»).

## БЕКОБОДДА ПРОФЕССИОНАЛ БОКС КЕЧАСИ

Ўзбекистон бокс федерациясининг биринчи вице-президенти Дониёр Эргашевнинг маълум қилишича, 18 декабр куни Бекобод шаҳрида профессионал бокс кечаси ташкил этилади.

Кечанинг асосий жанги WBO Asia Pacific чемпиони ҳамюртимиз Кувончбек Тойғонбоев ва россиялик Звиади Пурцхванидзе ўртасида кечади.



ўртасида кечади.

## ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳжасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида» низомининг 23-бандига асосан, қуйидаги лицензиялар 2007 йил 23 июлдан бекор қилинди:

«DELKO SERVIS» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001665 рақамли;

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ОҚТОШ ЭФПР» телевидениесининг (Самарқанд вилояти) теледустурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини курсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001922 рақамли.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳжасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низоми»нинг 48-бандига асосан, 2007 йил 9 августдан «Умид телеком» масъулияти чекланган жамиятининг (Хоразм вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини курсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001511 рақамли лицензиясининг амал қилиши тикланди.

“SHARQ TARONALARI” FESTIVALI

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1997 йил 25 августда Самарқанд шаҳрида ўтказилган биринчи «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида «Бу ёруғ оламда тили, дини ва урф одати турлича бўлган юзлаб миллат ва элатлар яшайди, лекин уларнинг барчасини бирлаштирадиган қудратли восита бу — оҳанг, бу — тарона. Ишонаман, қадимий Самарқандда очилаётган мусиқа фестивали анъанавий бўлиб қолади ва Шарқ халқлари куй ва оҳанглари янги босқичга кўтаришга, албатта, хизмат қилади» деб таъкидлаган эди. Мана, орадан 10 йил ўтибдики, бу ишонч ва тилак ҳамон ушбу нуфузли санъат кўригига қанот бағишлаб келмоқда.



# Дунё нигоҳи Самарқандда

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг мусиқа маданияти том маънода ўзининг ҳақиқий кадр-қимматиغا эга бўлди. Ҳар икки йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали нафақат юртимизда, балки дунё маданий ҳаётида ҳам катта воқеа ҳисобланади. Бу ташаббусни бутун Шарқ мамлакатлари, ҳатто ЮНЕСКО кўллаб-қувватламоқда.

Бу йил олтинчи мартаба ўтказилаётган «Шарқ тароналари» фестивалига тайёргарлик ҳар сафаргидан ҳам юқори савияда олиб берилмоқда. Ушбу тадбир дунё халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашга, одамлар қалбига згулик уруғларини сочшига, жаҳон мусиқа санъатини янада бойитишга хизмат қилади.


«Шарқ тароналари» VI халқаро мусиқа фестивалининг бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев раҳбарлигида, бош балетмейстер, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гули Ҳамроева, балетмейстерлар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ғайил Муҳаммедова ва Ботир Рустамов, етакчи мураббийлар Жаҳонгир Қўчқоров ва Малоҳат Маҳмудовалар бошчилигида ҳар кун эрталаб ва кечкурун меърига етказиб ўтказилаётган тайёргарлик машқларида Самарқанд шаҳрининг талабалари ва маҳалла ёшлари, Хоразмнинг «Лазги» ансамбли, Тошкент миллий рақс ва хореография олий мактаби, Қашқадарё вилоят фольклор терма жамоаси, Бухоро рақс ансамбли, Қорақалпоғистон Республикасининг «Ай-кулаш» дастаси ва бошқа кўпгина жамоалар қатнашмоқдалар.

«Шарқ тароналари» да яқинда Самарқанд шаҳрида ўтказилган Республика фольклор жамоалари кўрик-фестивалида иштирок этиб, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 1-даражали дипломини кўлга киритган Булунғурнинг «Чавқи» фольклор-этнографик ансамбли ҳам иштирок этади.

Фестивалга жаҳоннинг 60га яқин давлатдан жамоат арбоблари, мусиқашунослар, мутахассислар ҳамда мухлислар ташриф буюрдилар.

**Шазия ХУШК, хонанда (Покистон):**

— Самарқандга йўл оларканман, ўзбекистонлик мусиқа санъати мухлислари нозиктаъб эканлигини яхши билардим. Шунинг учун улар менинг кўшиқларимни қандай кутиб олар экан, уларга кўшиқларим манзур бўлармикин, деган ўй-халлар мени кийнар эди. Лекин уларнинг меҳмондўстлиги, кўшиқсеварлиги иккиланишларимни тарқатиб юборди.



Қайси миллат вакили бўлишингдан қатъи назар, куй-кўшиқ, мусиқа инсоний туйғулارнинг қалб таржимони эканлигига Самарқандда янги бир бор иқрор бўлдим. Меҳмондўст ўзбек халқи билан бўлган вақтларим бир умр ёдимда қолади.

**Сабина ЯСМИН, кўшиқчи (Бангладеш):**

— «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали орқали мен Ўзбекистонни, Самарқандни кўрдим. Бу менинг бир умрлик орзуим эди. Ишонаманки, санъат байрамидан мен жуда кўп мухлислар орттирмаман ҳамда улуг санъаткорлар билан танишаман. Шундай ҳаяжонли анжуманга мезбонлик қилаётган меҳмондўст ўзбек халқига, унинг маданий бой меросига, улуг ананаларини қадрлашига ҳавасим келади.

**Улмас ОЛЛОБЕРГАНОВ, хонанда (Ўзбекистон):**

— Афсонавий шаҳар, форсийда «сайқали рўйи замин аст» деб таърифланадиган Самарқанд энг қадимий шаҳарлардан ҳисобланади. Бу йил кенг жамоатчилик томонидан Самарқанднинг 2750 йиллиги нишонланмоқда. Биз бу шаҳарни ҳар қанча таърифласак оз. Халқаро аҳамиятга эга бўлган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳар икки йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилиши анъанана айланди. Менга бу халқаро фестивалда иштирок этиш биринчи бор насиб этипти. Бу фестивал Шарқ халқлари, қолаверса, бутун дунё халқлари мусиқасининг бирлиги, бир-бирига боғлиқлигини кўрсатади. Шу кунлардаги ҳис-туйғуларим ҳақида гапирадиган бўлсам, гоёт ҳаяжонданам. Устозларимиз Баҳодир Йўлдошев, Абдуҳошим Исмоиловлар бошчилигида тайёргарлик машқларида иштирок этишман. Анжуманга Тошкент, Бухоро ви-

лоятларидан вакиллар жалб қилинган, Хоразмдан ака-ука Эшжоновлар, халқ артисти Зулайхо Бойхоронова, халқ ҳофиси Фарход Давлатовлар ҳам иштирок этмоқдалар.

**Муроджон НОРҚУЗИЕВ, созанда. М.Ашрафий номидаги маҳом ансамблининг мусиқа раҳбари (Ўзбекистон):**

— «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида 4-мартаба иштирок этишман. Фестивал қадимий ва хамиша навқирон Самарқанд шаҳрида ўтказилишининг ўзи ўзбек халқининг об-русидир.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали биринчи бор ўтказилганида 30га яқин мамлакатлардан вакиллар иштирок этган бўлса, 4-халқаро фестивалда 54 мамлакатдан жамоалар қатнашдилар. Бугунги кунда эса иштирокчи мамлакатлар сони бунданда зиёдни ташкил этмоқда. Бу фестивалнинг нуфузи йилдан-йилга ортиб бораётганидан далолат беради.

Бу йўналишда ўзбек халқи ҳам қатор-қатор санъаткорларни етиштириб бермоқда. Биринчи халқаро фестивалда иштирок этган Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева бугунги кунда ҳам халқимизни мумтоз кўшиқлари билан хушнуд этиб, эл олқишига сазовор бўлиб келмоқда. Насиба Сатторова, Соибжон Ниёзовлар етук санъаткорлар даражасига кўтарилмоқда.

Фестивал кунларида ҳар кун 5-6 мамлакат санъат аҳли чиқишлар қилади, бу қўрға ташлаш йўли билан белгиланади. Фестивалда ўзбекистонлик санъаткорларга ва барча иштирокчиларга омад тилаймиз.

Абдуғофур ҲОТАМОВ, «Хабар»нинг Самарқанд вилоятидаги муҳбири

FILATELISTLAR BURCHAGI

2001 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ

“Ўзбекистон иқтисодийотидаги энг янги ютуқлар” почта маркалари туркуми. 2001 йил. 24 август.

364, 365. Купонли 2 почта маркаси.

**З.СЕЙФУЛЛАЕВА дизайни.**

Маркалар Ўзбекистонда самолётсозлик саноатининг ривожланишига бағишланган. Маркалар ва купон бир неча рангда ишланган. Оқ силлиқ қоғозга офсет усулида босилган. Марка ўлчами 42x30 мм. Перфорацияси тароқсимон. Адади 20,0 минг нусхадан.



364. “IL 76 MF Транспорт самолёти” почта маркаси.

365. “IL 114-100 Йўловчи самолёти” почта маркаси.

Маркалар горизонтал ҳолатда жойлашган 2 марка ва 1 купондан иборат занжир кўринишида босилган.

366. “Туризм” купонли почта маркаси.

**З.СЕЙФУЛЛАЕВА дизайни.**



Маркада Тошкент шаҳридаги меҳмонхона мажмуаси тасвирланган.

Марка ва купон бир неча рангда ишланган. Оқ силлиқ қоғозга офсет усулида босилган. Марка ўлчами 30x42 мм. Перфорацияси тароқсимон. Адади 20,0 минг нуса. Варақда 2та марка, 2та купон бор.

367. “Қимматли қоғозлар биржаси” купонли почта маркаси.

**З.СЕЙФУЛЛАЕВА дизайни.**



Маркада қимматли қоғозлар биржасидаги иш вақти тасвирланган.

Марка ва купон бир неча рангда ишланган. Оқ силлиқ қоғозга офсет усулида босилган. Марка ўлчами 42x30 мм. Перфорацияси тароқсимон. Адади 20,0 минг нуса. Варақда 2та марка, 2та купон бор.

*Ташаббусларимиз!*

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали Кува почта алоқаси тармоғи жамоаси бош хисобчи **Тойиржон ҒАНИЕВ**ни 55 ёши ҳамда хисобчи **Хуршидахон МИРЗАХАЛИЛОВ**ни туғилган кўни муносабати билан **самимий табриқлайди. Уларга ўзоқ умр, сihat-саломатлик, оилавий бахт-саодат тилайди.**



ФАРҲОДИНИНГ ЖАСОРАТИ АФСОНА ЭМАС...

Юртимиз келажигига хизмат қиладиган Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон темир йўли қурилишида алоқа хизмати ходимларининг муносиб ҳиссалари бор.